Куч — адолатда

АДОЛАТ

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2003 ЙИЛ 4 АПРЕЛЬ

13 (404)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда эркин нархда

ЯНГИ ИНВЕСТИЦИОН ИМКОНИЯТЛАР

Республика Миллий матбуот марказида жорий йилнинг 4-5 май кунлари Тошкентда ўтказиладиган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилар Кенгашининг XII йиллик йиғилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Бош вазир ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев иштирок этиб, мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб қилишнинг янги имкониятлари ва мазкур йиғилишда ўтказилиши режалаштирилаётган анжуманлар ҳақида маълумот беради.

– Ҳозирда Ўзбекистон пойтахти Тошкент муҳим халқаро воқеа – Европа Тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилар Кенгашининг XII йиллик йиғилишини ўтказишга катта тайёргарлик кўрмоқда. Мазкур йиллик йиғилишини ўтказиш учун Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрининг танланиши банкнинг шарқ мамлакатларида самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, ЕТТБ раҳбарияти Марказий Осиё мамлакатларининг улкан инвестицион салоҳиятига халқаро жамоатчилик эътиборини, авваламбор, банклар ва молия институтлари диққатини жалб этиш тарафдори эканлигини исботлайди.

2002 йилда мамлакат иқтисодиётига киритилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 650 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳоннинг 120 дан ортиқ мамлакати билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириб бормоқда. Ҳозирда мамлакатимизда жаҳоннинг 90 мамлакатидан хорижий инвестициялар иштирокидаги 3 мингдан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 20 фоизидан ортиғи 100 фоиз хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар бўлиб, 80 фоизи ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритмоқда. Умумий қиймати 4,3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 87 та инвестицион лойиҳани ўз ичига олувчи давлат инвестицион дастури амалга оширилмоқда, улардан 30 фоизи эса бевосита хорижий инвестициялар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси минтақаларида қўшимча имтиёзлар ва енгилликлар яратган ҳолда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни тузиш бўйича ҳукумат дастурининг қабул қилиниши мамлакатнинг тадбиркорлар доираси учун янги имкониятлар очди. Бугунги кунга келиб Ўзбекистоннинг барча минтақаларида 152 та янги қўшма корхона ташкил этилган. 2005 йилгача бўлган даврда хорижий инвесторларга яна 140 дан ортиқ янги қўшма ишлаб чиқаришларда иштирок этиш имконияти таклиф этилмоқда.

Э. Ғаниевнинг таъкидлашича, ЕТТБ томонидан пойтахтимизда 60 та хорижий мамлакатларнинг расмий делегациялари, халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молия институтлари раҳбарлари, шунингдек, етакчи хорижий тижорат банклари ва инвестицион фирмалар, йирик ишлаб чиқариш концернлари ва компанияларнинг раҳбарлари иштирокида муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро тадбиркорнинг ўтказилиши мамлакатимиз ишбилармонларига янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишларида янги имкониятларни яратади.

Ўзбекистон – жаҳон ҳамкорлиги

БАНК КРЕДИТИ – ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАЛАРГА

Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг Тошкентдаги нуфузли учрашуви мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда, молиявий имкониятларини кенгайтиришда муҳим омил бўлиши таъкидланмоқда.



Мазкур банк, мана, бир неча йилдирки, республикамиздаги қатор банк идоралари билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунинг натижасида кичик ва ўрта бизнес ишлаб чиқаришини кенгайтириш, истеъмол бозорини зарур мол-маҳсулотлар билан тўлдириш, сифат учун рақобатни шакллантиришга муваффақ бўлинди.

Европадаги бу нуфузли банк «Пахтабанк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда кенг миқёсли ишларни амалга ошираётгани, айниқса, эътиборга лойиқдир. Бу ерда хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес эгалари учун банк эшиклари доимо очиқ. Европалик вакиллар уларнинг бизнес лойиҳалари билан танишгач, дарҳол керакли миқдордаги кредит ажратишади. Кредитлаш бўлими эса бевосита «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаси қошида очилган. Жон Янкура бошчилигидаги ушбу хорижий сармоялар кредит маблағларини бизнес мақсадларига тўғри йўналтириш, бозор талабларини ўрганиш бўйича ҳам қимматли маслаҳатлар беришади. Бизнес лойиҳалар тузишга кўмаклашишади. Шу тарика қисқа вақт мобайнида юздан ортиқ лойиҳа молиялаштирилди. Унлаб янги иш ўринлари яратилди.

– Тадбиркорларга кредит ажратиш тартибини анча соддалаштирганмиз, – дейди «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаси раҳбари Бадриддин Насриев. – Шу туфайли бизга мурожаат қилувчилар сони кўпайди. Мижозлар ишончини оқлаш эса банк хизмат кўламининг кенгайишига, даромадларнинг ортишига олиб келмоқда.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири.

СУРАТЛАРДА: вилоят «Пахтабанк» бошқармасининг кредитлаш бўлими ходимлари Н. Туркманова ва Ф. Каримов иш пайтида; банкнинг мижозларга хизмат кўрсатиш хонасида. Муаллиф олган суратлар.

Огоҳлик – ҳаёт талаби

ҚУЁШНИНГ ЮЗИНИ ТЎСИБ БЎЛМАЙДИ

Терроризм, диний экстремизм, «Хизбут-таҳрир» сўзларини эшитганимизда кўз ўнгимизда Бўстонлиқ, Ўзун, Сариосиё туманларида рўй берган воқеалар, Ватан ҳоинлари билан бўлган жангларда юртга қалқон бўлиб шаҳид кетган мард, жасур ва ботир йигитларимизнинг сиймоси гавдаланиши шубҳасиз. Ёҳуд 2001 йилнинг 11 сентябрини олайлик. У ҳам «Хизбут-таҳрир»нинг қора қилмиши боис «Қора сешанба» номи билан тарих китобига бир умр битилиб муҳрланиб қолди. Бу машъум санани энди ҳеч ким, ҳеч қачон унутолмайди.

Одамлар орасида ноқонуний йўллар билан турли варақалар тарқатиб, ўзини қўйдай ювош, мусичадек беозор кўрсатмоқчи бўлиб, эл-юрт осойишталигини бузишга ҳаракат қилаётганларга нисбатан бугун анча огоҳ бўлиб қолдик. Яъни, ғафлат уйқусидан уйғондик.

«Хизбут-таҳрир» оқими ёки унинг тарафдорлари ҳақида сўраганимизда бундан икки-уч йил илгари шу оқимга қўшилишига бир баҳя қолган шофирконлик У. Раҳматилло шундай дейди:

– Бу офат назаримда конуссимон ўпқонга ўхшайди. Алалоқибат даҳшатли аждаҳодек ютоқиб одамларни домига торта бошлайди. Орқага эса йўл йўқ. Боши берк кўча. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, «Хизбат-таҳрир»нинг тамойили ватанга хиёнат.

– Энг ёмони унинг ниқоби дин. Фақат эзгулик, одамийлик, ҳалолликка ўргатувчи Ислом дини байроғи панохида ҳаракат қилган «Хизбут-таҳрир»чилар одамлар, айниқса, ёшлар онгига шу тарика кириб боришади, – дея суҳбатимизга қўшилади Чандир қишлоғилик Тўлқин Г. – Маънавий дунёқараши теран киши ўзи тўғри йўлидан чалғиши асло мумкин эмас. Демак, бизнинг маънавиятимизда қандайдир бўшлиқ, кемтиклик бўлган. Ўзим ҳам шу балоларга илакашиб қолдиму ҳаётим ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Оиламдан ажралдим...

Дарҳақиқат, бугун хато-камчиликларини англаб, бу қабиҳ йўлдан қайтганлар қанча. Аммо уларнинг эл олдида бошлари эгик, Ватан, миллат, истиқлол тушунчаларини англаб, фикр дунёси, руҳияти «Хизбут-таҳрир» деб аталмиш қобиғ исканжасида қолган кимсаларнинг лойқаланган тафаккурини тозалаш, уларни ҳаётга қайтариш ҳар биримиздан масъуллик, огоҳликни талаб этади.

Дунёга юз тутаётган Ўзбекистонимизни ғайр нигоҳлардан асрашимиз, мустақиллигимизни қадрлашимиз ишончли истиқболимизга замин яратишини унутмаслигимиз лозим.

Баъзан бир маҳалла, бир кўча ёки бир қишлоқда яшаб туриб қўшнимиз қанақа одам, унинг уйига кимлар келиб кетиши билан қизиқмаймиз. Ўз уйимиз тинч бўлса бас, дунёга ўт кетсада парвойи палакмиз. Бу совуққонлик, лоқайдлик оқибати эса фожиа билан тугаши, кимнингдир ҳаётмамоти барбод бўлиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

– Ўзим беш вақт намозни канда қилмаганим боис ўғлим ўртоқларига қўшилиб диний илмни мукаммалроқ ўрганмоқчи бўлганида хурсанд бўлдим, – дейди Бухородаги обрўли бир ташкилотнинг муҳандиси бўлиб ишлаган Н. Наим-Оллоҳ кўнглига солган бўлса ўргана қолсин, деб ўйладим. Ўғлим ақлли, мулоҳазали йигит. Дунёнинг паст-баландини яхши англайди деган фикрда жуда чуқур суриштириб ўтирмаганман. Менинг энг катта хатойим шу бўлди. Бу хато эса менга жуда қимматга тушди. У Қуръони каримни ўрганиш асосида «Хизбут-таҳрир» оқими ғоялари, диний экстремизм «ўгит»ларидан ҳам бахраманд бўлганини кеч англадим. Улар ўғлимнинг руҳиятига шу даражада тез таъсир ўтказишдики, ғафлатда қолдим...

Отанинг нигоҳлари ерга қадалди...

Ҳа, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликка раҳна солиш, республикамиз иқтисодиётини издан чиқариш, эндигина ўзлигини англаган миллатни чалғитиш каби қабиҳ ва жирканч мақсадни амалга оширмоқчи бўлганлар қаттиқ янглишдилар. Ҳар ким жиноятига яраша жазосини ҳам олди. Аммо унутишимиз мумкин бўлмаган бир ҳақиқат борки, эзгуликка интилиб, одамларга яхшилик истаб яшаган кимса ҳаётда муносиб обрў-эътиборга эга бўлади. Бильакс, кўнгил кўзгусига ғубор инган, ватанга хиёнат қилишдан манфаатдорлик кутган кимсалар бир умр ёмонотлиқ бўлиб қолаверадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямизнинг 10 йиллиги муносабати билан қабул қилган Амнистия тўғрисидаги Фармонига асосан экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган, биринчи марта судланган юзлаб шахслар жазодан озод қилиндилар.

Мана буни мамлакатимизгагина хос бўлган инсонпарварлик, кечиримлик, бағрикенгликнинг амалий кўриниши дейиш мумкин. Энди гап, ўз қилмишининг қанчалик оғир эканлигини ҳис қилиб, содир этган жиноятларидан пушаймон бўлганларнинг бу имкониятдан тўғри хулоса чиқаришларида қолган.

Истиқлол қуёши эса юрт, миллат ташвишида ҳаловатидан кечаётган ҳар бир инсоннинг йўлини ўчмас ёлқин бўлиб ёритаверади. Бу қуёшнинг юзини тўсиб бўладими, ахир!

Моҳира ШАКАРОВА,
«Адолат» мухбири.

Пойтахтдаги «Интерконтентал» меҳмонхонасида «Sarkor- Telecom» компаниясининг янги лойиҳалари ва технологияларининг тақдимоти бўлди. Айни вақтда, ўз халқаро каналларига эга бўлмаган провайдерлар, 50 дан зиёд интернетдан корпоратив тарзда фойдаланувчилар, «Radio Ethernet» технологик тармоғи, интернет кафе ҳамда 2500 га яқин «dial-up»лар «Sarkor- Telecom» компаниясининг доимий мижозларидир.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ПРОВАЙДЕР

-Корпоратив талабларни инобатга олган компаниямиз 2003 йилдан бошлаб Тошкентда сифатли ва юқори тезликда бажариладиган коммуникация хизмалари кўрсатишни яхшилашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга оширишга киришди,-деди Фарҳод Розиев.-Янги халқаро йўлдош каналининг яратилиши, Radio Internet тармоғининг кенгайиши, Ўзбекистонда сифат жиҳатидан анча юқори бўлган ADSL- кабел технологиясининг қулай баҳоларда жорий этилиши халқаро тармоқлар билан узлуксиз алоқага эга бўлишни таъминлайди.

Янги лойиҳа Германия билан бевосита боғланишни таъминлайдиган, сиғими бир сонияда 1 мбит бўлган халқаро йўлдош каналини ташкил этишни мақсад қилиб қўяди. Ушбу канал Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва «Ўзтелеком» АК нинг фаол кўмагида ташкил этилган. Ҳозир ердаги йўлдош каналининг турли алоқа хизматлари кўрсатишдаги имкониятлари бир сонияда 15 мбит ни ташкил этади, лекин зарур бўлса, бу сиғимни янада кенгайтиш имконияти яратилди

«Туркистон- пресс»

Оилавий спорт анжуманлари

СОҒЛОМ ОИЛА – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Болалар спорти, оилавий спортни мамлакатимизда давлат аҳамияти даражасига олиб чиқилганлиги бежиз эмас. Оила – бу давлат таянчи. Унинг ғоявий ва жисмоний саломатлиги мамлакат қудратидир. Болаларнинг жисмонан бақувватлиги эртанги кунимизга бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Миллат генафонини тозалайди. Яъни, соғлом оила – соғлом жамият демакдир.

Ўзбекистонда оилани маҳалласиз тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам «Обод маҳалла йили»да Андижон вилоятидаги барча маҳалларда «Соғлом оила» спорт мусобақалари ўтказилди. Унда ота, она ва фарзандлардан таркиб топган жамоалар югуриш, тортишмачоқ, стол тенниси, шашка бўйича ўзаро мусобақалашдилар. Спортнинг бу турлари ғоят оддий ва кундалик турмушда кенг оммалашганлиги билан ҳам иштирокчиларга манзур бўлди. Қатнашчилар ҳам мўлжалдагидан анча кўп бўлди. Шунга монанд жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғини кенгашларининг фаоллиги боис ғоят қизиқарли ўтди.

Энг кучли оилалар кейинги босқич – туман ва шаҳар биринчилигига йўлланма олишди. Бу ерда энди ташкилотчиликни жойлардаги ҳокимликлар, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг бўлимлари «Ватанпарвар» жамияти, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ўз қўлларига олдилар. Оилавий беллашувлар матбуотда кенг ёритиб борилди. Зеро, мақсад мусобақаларни юксак савияда ташкил этишгина бўлиб қолмай спортни тарғиб этиш орқали оммавийликка эришишдир. Тадбир Андижон, Асака, Хонобод шаҳарлари, Қўрғонтепа, Жалолқудук, Баликчи, Избоскан туманларида, айниқса, ўзига хос тарзда ўтди.

Андижон шаҳридаги «Ёшлик» ўйингоҳига йиғилган минглаб мухлислар ўз маҳаллалари вакилларини астойдил олқишлаб турдилар. Мусобақаларда «Бўстон» маҳалласи умумжамоа ҳисобида ғолиб чиқди. Очиғини айтганда, ушбу маҳаллада оилавий спорт билан шуғулланиш учун яхши шароитнинг ўзи кифоя қилди, деган фикрга берилиш мутлақо нотўғридир. Бу аввало, маҳалла фуқаролар йиғининнинг бошқаларга нисбатан мусобақаларни ташкил этишга алоҳида эътибор, спорт оилаларини саралашга жиддийроқ киришилганлиги, қолаверса, Иброҳимовлар, Қамбаровлар, Муталлибовлар оилаларининг фидокорона ҳаракатларининг натижаси ҳамдир.

«Соғлом оила» спорт мусобақаларининг вилоят босқичини очилиш маросими ғоят тантанали бўлди. Андижон шаҳридаги марказий «Наврўз» ўйингоҳи мухлислар билан тўлди. Ўйингоҳнинг кўзга кўринарли жойларида мусобақалар иштирокчиларини қутловчи, оилавий спортни тарғиб этувчи шиорлар илинган. Вилоятнинг етакчи эстрада хонандалари дирлабо куй-қўшиқлар ижро этишди.

Майдонга тортишмачоқ бўйича ярим финал ғолиблари тушдилар. Қўрғонтепалик Муродов ва жалолқудуқлик Тошбоевлар оилалари асакалик ва улуғнорлик рақиблари устидан ғолиб чиқиб, финалга чиқдилар. Бир томонда Қўрғонтепа тумани Дардоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи - ишчи Муҳаммадёқуб ота, педагог тарбиячи Робияхон она, фарзандлари Элмон, Дилором билан, бошқа томонда Жалолқудуқ тумани Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини Бешқарам маҳалласида яшовчи ферма бошлиғи Йўлдошали ота, ишчи Евгения она фарзандлари Баҳодир ва Ферузалар билан оилавий куч синашишга шай. Ўртада калтагина арғимчоқ. Миллий кураш ва миллий ўйинлар вилоят федерациясининг ижрочи директори, республика тоифасидаги ҳакам М. Усмонов беллашувни бошлади.

Дастлаб жалолқудукликларнинг кўли баланд келди. Иккинчи беллашувда қўрғонтепаликлар ҳисобни тенглаштирдилар. Сўнгра ҳал қилувчи бахсда Тошбоевлар оиласи ғолиб чиқиш учун бутун куч ва маҳоратини, оилавий ҳамжиҳатликни сафарбар этиб, ютуққа эришишди. Муродовлар оиласи тортишмачоқда иккинчи ўринни эгаллаган бўлсаларда, Қўрғонтепа тумани вакилларининг умумжамоа ҳисобида мусобақалар шохсупасининг энг баланд жойига кўтарилишларига муносиб ҳисса қўшдилар.

– Қишлоғимизда спортга қизиқмайдиган одам йўқ, – деди ғолиб Қўрғонтепа тумани жамоаси аъзоси, Деҳқончек маҳалла фуқаролар йиғини педагог-тарбиячиси, шашка бўйича оиласи билан вилоят босқичида тўртинчи ўринни эгаллаган Маҳаммаджон Аҳмаджонов.

– Яқинда ҳашар йўли билан 3 минг ўринли ўйингоҳ барпо этдик. – Ундаги ажойиб футбол майдонидан ташқари волейбол, баскетбол, гандбол майдонлари, югуриш йўллари 1000 ўринли кураш майдончаси бор. Шу кунларда спорт зали, теннис кортлари қуриляпти.

Маҳалла фуқаролар йиғини қошида ёш футболчилар секциялари иш бошлади. Турли мусобақалар ўтказиб туриш кундалик эҳтиёжга айланмоқда. Бу ишларнинг ҳаммасига «Деҳқончек» ширкат хўжалиги раиси Раҳмонберди Қурбонов бош-қош бўлаётир. Спорт катта-ю кичиккинг соғлиғини мустаҳкамлаш, кайфиятини кўтариш, ўзаро ҳамжиҳатликка, соғлом муҳитни яратишга хизмат қилмоқда. Орадан ҳеч қанча ўтмай қишлоғимизда республикамиз шарафини ҳимоя қиладиган маҳоратли спортчилар чиқишига ишонамиз.

– Жуда чиройли ва тез югурар эксансиз, – дея қизил спорт кийимидаги ўрта ёшли аёл Рўзихон Усмонохуновага мурожаат этдик. – Қаерда ишлайсиз?

– Қўрғонтепа туманидаги 8-гимназия директориман, – деди у. – Гимназиямиз инглиз тилини чуқур ўргатишга ихтисослашган. Шу билан бирга биз спортнинг қатор турлари, айниқса, енгил атлетикага катта эътибор берамиз. Ўзим атрофимдагиларга ва ёшларга ўрнак кўрсатмасам бўлмайди. Оиламиз билан югуриш мусобақаларида ғолиб чиққанлигимдан ғоят мамнунман. Энди ўқувчиларимизнинг олдига қатор совринлар ва ёруғ юз билан борадиган бўлдик.

«Соғлом оила» беллашувларининг тантанали ёпилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А. Содиқов, Ш. Шамсиева, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи А. Солиев, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси вилоят бошқармаси раиси У. Абдуллаевлар мусобақалар иштирокчиларининг барчасини қизғин муборакбод этдилар. Зеро бундай мусобақаларда ютқазганлар бўлмайди. Унда иштирок этишнинг ўзи оила, маҳалла учун катта ютуқдир.

Ғолиблар қимматбаҳо совринлар, катта пул мукофотлари, тегишли дипломлар билан тақдирландилар.

Очиғи «Бутун оила билан ўйингоҳга» шиори остида оилавий спорт ўйинларини ўтказиш янгилик эмас. Бундай тадбирлар аввалари ҳам ўтказиб келинган. Аммо унинг қайта тикланиши, янги мазмун ва моҳият касб этганлиги қувончлидир, «Соғлом оила» спорт ўйинлари эндиликда мустақил Ўзбекистонимизнинг шуҳратини ошириш учун хизмат қилади.

Тўлқин СИДДИҚ.

Солиқ – давлат таянчи

ИҚТИСОДИЁТ КУШАНДАСИ

Бу ҳол сизнинг кўз ўнгингизда рўй беради. Дўкондагидан, демакки, корхонаникидан қолишмайдиган нон ва нон маҳсулотларининг аҳоли гавжум жойларида ҳеч бир тўсиқсиз савдоси қизийди. Бироқ тагини суриштирсангиз уни сотаётган сотувчи хижолат тортиб, ер чизади. Иложи бўлса кўзни шамғалат қилиб, ғойиб бўлмоқчи бўлади. Кошки эди шундай пайтда солиқ инспекциясининг синчков ходимларига панд бериб кетишаолса.

Алимкент қўрғонида шундай бўлди. Тўхтаохун Маҳмудохунов ва Камол Болтабоевлар ўз хонадонларида тегишли ҳужжат ва рухсатномаларсиз нон маҳсулотлари ёпиб, сотиб келишаётган экан. Кўздан панадаги хуфёна даромаддан ҳеч ким хабар топмайди, деб улар хомтама бўлишган эди. «Кўза кунда эмас, кунида синади» деганларича бор экан. Уларнинг пинхоний фаолияти ҳам охир-оқибат фош бўлди, кўза синди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ иш олиб бораётган ходимларимизнинг «тўри»га илинишди. Шундай: бугун солиқчиларга чап бераман деганлар қаттиқ янглишадилар. Ҳозир солиқ хизмати кириб бормаган, унинг таъсири сезилмаётган бирон-бир соҳа йўқ. Солиқ сиёсати ҳаётимизнинг ҳамма қиррасида ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарорини бажариш юзасидан ўтказган текширишларимиз яхши самара берди. Натижада шу йилнинг 1 январигача 83 та ҳолатда рўй берган қонунбузилишлари аниқланиб, уларни содир этганлардан 1 миллион 692 минг сўмлик импорт товарлари тегишли ҳужжатлари бўлмаганлиги боис давлат фойдасига мусодара қилинди. Оққўрғон шаҳрининг Навоий кўчасида тадбиркорлик фаолиятини юритаётган Шуҳрат Абдумаликов ва Гўзал Турсунова ушбу қарор талабларига бўйсунмай панд еди. Улардан 67500 сўмлик инсон ҳаётига хавфли бўлган пиротехника воситалари, 284 минг сўмлик спиртли ичимликлар тегишли рухсатномаларсиз сотувга қўйилганлиги учун олиб қўйилди. Текширувчиларимиз томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, туман судига юборилди. Судда қонунбузарларга тегишли тартибда маъмурий жарималар қўлланилди ва товарлар мусодара этилди. Пиротехника воситалари инсон ҳаёти учун хавфли бўлганлиги сабабли тегишли мутахассислар томонидан йўқ қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 июндаги 264-сонли қарори талабларини бажарилиши бўйича ҳам қатор текширувлар амалга оширилмоқда. Мазкур қарорга асосан 9 та ҳолатда жами 9 миллион 601 минг сўм нақд пул ғазнага кирим қилиниб, банк муассасасига топширилмасдан хўжалик юритувчи субъектлар учун бошқа мақсадларда ишлатиб юборилганлиги фош этилди. Қонунбузарларга нисбатан молиявий жарималар қўлланилиб, келтирилган зарар давлат бюджетига тўла ундирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги 621-сонли, 2002 йил 5 августдаги 280-сонли қарорлари талабларини бажарилиши бўйича олиб борган текширишларимизда эса 12 та ҳолатда назорат-касса машиналаридан фойдаланиш тартибининг бузилганлиги, харидорлардан олинган савдо пуллари назорат-касса машиналарига кирим қилинмаганлиги маълум бўлди. Оқибатда 4 миллион 681,2 минг сўм миқдорида молиявий жарималар қўлланилиб, давлат бюджетига ундирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги 604-сонли қарори талабларига асосан савдода бўлиши шарт бўлган 8 турдаги маҳсулотларнинг савдода мавжудлиги кўриб чиқилди. Туман «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти ва хўжалик ҳисобидаги «Нурафшон» савдо корхонасига қарашли дўконларда мониторинг ўтказилиб, унинг натижасида 11 та дўконда ун, 2 та дўконда шаҳар, 16 та дўконда пахта ёғи савдода йўқлиги аниқланди ва бу ҳақда туман ҳокимлигига тегишли тақдимномалар киритилди.

Яширин цехлар – иқтисодиётимиз қушандасидир. Унга қарши қатъий кураш очганимизга қарамай муаммо барҳам топаётгани йўқ. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда мойжувозларини ишлатиб, қўлбола пахта ёғи ишлаб чиқараётганлар ҳам учраб турибди. Улар тақиқланган бундай фаолиятни яширин равишда олиб боришиб, қонунбузилишига йўл қўйишмоқда. Қолаверса, одамлар соғлигига хавф солишаяпти. Хонаки шароитда маромига етказилмай ишлаб чиқарилган пахта ёғининг инсон соғлигига бир кун бўлмаса, бир кун салбий таъсир кўрсатишини ўйлаб ҳам кўришмаяпти. Ўтган йили уларнинг 9 тасини, шу йилнинг ўтган уч ойида яна 3 тасини фош этдик. Жумладан, «Озод» ширкат хўжалигининг Беш овул қишлоғида яшовчи фуқаро Рустам Абубакиров ўз хонадонида ноқонуний равишда электр энергиясидан фойдаланиб, ясама мойжувоз аппаратини ишлатиб келган. Мазкур ҳолатни фош этиш чоғида қонунбузардан 117 килограмм қунжара, 1444 килограмм пахта чигити, 54 килограмм истеъмолга яроқсиз қўлбола пахта ёғи ҳамда ясама мойжувоз мосламаси ҳужжатлаштирилиб, олиб қўйилди.

Нишонбой Холтўраевнинг хонадонида ҳам шундай сохта фаолият фош этилди. Унинг ертўласидан 30 килограмм қунжара, 1485 килограмм пахта чигити, 32 килограмм истеъмолга яроқсиз пахта ёғи ва мойжувоз мосламаси далилий ашё сифатида олинди ва ҳуқуқбузарга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Шундай: эл-юрт манфаатини унутиб, фақат ўзини, ўз хамёнини ўйлаганлар қанчалик чиранишмасин узоққа боришолмайди. Охир-оқибат уларнинг қилмиши фош этилиб, жазосини олишади. Ҳар қандай сохта фаолиятга солиқ хизмати қатъий ғов қўяди.

Умрзоқ КОСБАЕВ,
Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

Ислоҳот ва самара

«ШЎРТАННЕФТГАЗ»НИНГ ЗАЛВОРЛИ ОДИМИ

Мамлакатимизда қазиб олинадиган нефт ва газнинг катта қисми Қашқадарё вилояти, яъни, шу воҳадаги "Муборакнефтгаз" ва "Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхоналари улушига тўғри келади. "Шўртаннефтгаз" УШК қазиб чиқариш ҳажми бўйича мамлакатда 2-ўринда туради. Қазиб олинган хомашёни қайта ишлаб, уни фойдаланишга узатиш бўйича эса биринчи ўринни эгаллайди.

САЛОҲИЯТ

-Корхонамиз "Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонасидан маҳсулотни қайта ишлаши билан фарқ қилади,- дейди "Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонаси раҳбари, Олий мажлис депутати Олим Муродов.-Яъни, "Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонаси нефт ва газни қазиб олади, холос. Бизда эса нефт ва газ ҳам қазиб олинади, ҳам қайта ишланади. Корхонамиз йилига 20 миллиард куб метр нефт ва газни қазиб олади ва шунча миқдордаги хомашёни қайта ишлайди. Хомашёни қайта ишлаш жараёнида ундан газ конденцати, тозаланган газ, суюлтирилган газ, олтингугурт олинади.

2002 йилда корхонада 19,5 миллиард куб метр нефт ва газ қазиб олиниб, қайта ишланди. "Шўртангазкимё" корхонаси хомашё билан узлуксиз таъминланиб турилибди. Унитар шўъба корхонаси маҳсулотлари мамлакатимиз халқ хўжалиги эҳтиёжи учун хизмат қилибгина қолмай, хорижга ҳам эспорт қилинмоқда. 2002 йилда 225 минг тонна суюлтирилган газ Эрон, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон каби мамлакатларга жўнатилди.

"Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонаси - асосан ёшлар корхонаси, билимдон, ишчан, фидоий ва малакали кадрлар ўчоғидир. Боиси корхона муҳандис-техник ходимлари ва ишчи-хизматчиларнинг 85 фоизидан ортиғини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам жамоа ютуқларида уларнинг ҳиссаси катта. Корхона муваффақиятлари тўғрисида гап кетганда бунга эришувда "Шўртан" кони (раҳбари-Рашид Ҳамроев), газни олтингугуртдан тозалаш цехи (бошлиғи-Акбар Бозоров), суюлтирилган газ ажратиб олиш цехи (бошлиғи-Раҳматулла Ражабов) каби илғор жамоалар муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

-Кадрлар етиштириш борасида корхонамизда ўзига хос мактаб юзага келган десак ҳам бўлади, - дейди Олим Муродов сўзини давом эттириб - Чунки "Шўртангазкимё" мажмуининг 30 фоиз масъул мутахассиси, корхонамизнинг собиқ ходимларидир. "Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонаси бош муҳандиси Алимаҳмуд Каримов, шу корхона бошлиғининг муовини Абдиолим Тилобов, Муборак газни қайта ишлаш заводи директорининг ўринбосари Холёр Аҳмедов, газкимё мажмуи бош муҳандиси Ўктам Эшмуродов, бўлим бошлиқлари Тўлаган Жўраев, Алишер Ҳақназаров, «Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» компанияси бошқармаси директори Руслан Абдуллаев, у кишининг ўринбосари Эшназар Соатов, «Ўзтрансгаз» акционерлик компаниясининг бош директори Эркин Вагапов каби ўнлаб фидойилар бизнинг корхонада меҳнатда тобланган кадрлардир. Бир сўз билан айтганда. Бу ерда ёшларга иш ўргатиш ва уларнинг малакасини ошириб боришда ҳеч нарса аялмайди. Етарли шарт-шароитлар яратилади.

Унитар-шўъба корхонаси бошлиғи Олим Муродовнинг ўзи бор куч-ғайратини ишга сафарбар этиб, соҳанинг барча ютуқларига эш бўлмоқда. У Олий Мажлис Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси аъзоси сифатида тегишли қонун лойиҳаларини яратиш борасида ҳам фаол иштирок этмоқда. Эндиликда илгаригидек сайловчилар «накази» йўқ. Шундай бўлсада депутат бошчилигида 219-Ғузор сайлов округи ҳудудида яшовчи аҳолини ижтимоий муҳофазалаш ҳамда қишлоқларни ободонлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ёртепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 76 миллион сўмлик газлаштириш ишлари бажарилди. Битта болалар боғчаси ва мактаб биноси тўла таъмирдан чиқарилди. Битта мактаб учун янги бино қуриб берилди. Корхона Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги тадбирларида ҳам фаол қатнашди. Мамлакатимиз биринчи лигаси аъзоси – «Шўртан» футбол клуби учун барча шароитларни яратиб берди. Қурилиш, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, ижтимоий муҳофаза ҳамда спортни ривожлантириш каби эзгу ишларга корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан тегишли равишда маблағ ажратиб турилибди.

Шу йил «Шўртаннефтгаз»да барча соҳалар бўйича ўсишни таъминлаш мўлжалланмоқда. Юқори сифатли ва имкон қадар арзонроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратилаяпти. Корхона ҳузурида Исроилнинг «Beytman» компанияси билан ҳамкорликда қурилаётган сиқув-компрессор станцияси ишга туширилади. Бу янгилик албатта корхона ютуқларини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

ҒАМХЎРЛИК ШАРОФАТИ

Корхона муҳандис-техник ходимлари ва ишчи-хизматчиларининг юксак унум билан ишлашлари, қолаверса, маданий хордиқ чиқаришлари учун барча шароит яратилган. Улар махсус автотранспортда ишга қатнашади. Корхона ҳузурида ошхона ишлаб турибди. Маданият саройида бот-бот концерт, турли кўнгилочар тадбирлар уюштириш одат тусига кирган. Спорт мажмуида турли мусобақалар уюштирилиб турилади. Маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, савдо дўкони ҳам барчага хизмат кўрсатади.

Сут ва қатиқ жамоа аъзоларига тушлик пайтида бепул берилади. Ишчи-хизматчилар жамоат транспортидан имтиёзли равишда фойдаланишади. Бир йил мобайнида уларга иш ҳақига қўшимча 210 миллион сўм овқат пули берилди. Наврўз, Мустақиллик байрами, Конституция кунини корхона муҳандис-техник ходимлари ва ишчи-хизматчилар зўр тантана билан нишонлашади. Илғорлар рағбатлантириб борилянти. Байрам дастурхонлари ёзилаяпти. Шундай унутилмас тадбирларга ишчи-хизматчиларнинг юбилейлари билан бирга уларнинг фарзандларини никоҳ ёки суннат тўйлари ҳам қўшиб ўтказилмоқда. Бундан ташқари жамоа аъзолари 13, баъзан 14-маошга ҳам эга бўлишаяпти.

Корхона маъмурияти Тошкентдаги республика 1-клиник шифохонаси, вилоятдаги 2-шифохона, «Семурғ», «Косонсой» сиҳатгоҳлари билан ўзаро шартнома тузган. Ҳар йили юзлаб кишилар мазкур шифо масканларида ўз саломатликларини тиклаб қайтишади.

ЎТМИШДАН ҲИКОЯ

Корхона ўзининг тарих музейига эга. Музей 1998 йилнинг 28 августида очилган бўлиб, корхонанинг салкам чорак асрлик ҳаёти ҳақида ёрқин ҳикоя қилади. Лавҳалар билан танишар экансиз, корхонани барпо этишнинг ташкилий даврларидан шу кунгача бўлган ҳаёти ҳақида муайян таассурот оласиз. Қатор сурат ва лавҳалар Қарши чўли қум барханлари қўйнида ташкил этилган корхонанинг кечаги ва бугунги ҳаёти ҳақида бой маълумот бериб қолмай, турли йилларда уни бошқарган раҳбар-мутасаддилар тўғрисида ҳам «гапиради» гўё.

Ҳаммадан ҳам корхона ўрнини белгилаш, унинг пойдеворини қўйиш ҳамда корхонанинг ишга туширилиши жараёнини акс эттирган суратли лавҳаларни ҳаяжонсиз кузата олмайсиз. Улар сизни чорак аср бурунги ишлардан воқиф этади. Корхона цехлари ҳаёти, ишлаб чиқариш қувватлари ҳақидаги лавҳалар ҳамда маҳсулотлар кўргазмаси эса беихтиёр диққатингизни тортади. Алоҳида лавҳада корхона ишлаб чиқаришининг ўсиши ёрқин акс эттирилган. Лавҳаларнинг бирида корхонага мамлакатимиз раҳбарларининг ташрифи акс этган бўлса бошқасида чет эллик мутахассисларнинг жамоа фаолияти билан танишуви ҳикоя қилинади.

Корхонанинг экспорт салоҳиятини кўрсатувчи харита катта панода ёрқин акс эттирилган. Музей дид билан жиҳозланган. Ундаги «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси ва табиат манзарасини акс эттирган рассом палотнолари кишини жонли табиат қўйнига бошлайди.

Бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар дастхати учун тутилган дафтардаги битиклардан бир нечтасини ўқиймиз:

«Музей кўргазмаси – жудаям қизиқарли.
Барбара Кеч, АҚШ элчихонаси,
1999 йил 15 ноябрь».

2002 йил 20 майда бу ерда бўлган «Пойдевор» фильми ижодкорларидан Учқун Тиллаев, Наргиза Абдуллаева, Садриддин Зухуров ўз фикрларини шундай баён қилишган: **«Ўзимизни қизиқтирган маълумотларга эга бўлдик. Биз замонамиз ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган шу корхона фидойи ёшлари образини яратганимиздан ғурур туйдик. Ватан фидойилари бўлган корхона ёшларига, бутун жамоа аъзоларига соғлиқ, бахт ва омад тилаймиз».**

«Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси мамлакатимизда ўз мавқеи ва салоҳиятига эга бўлган йирик корхона. У мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз мазкур корхона иқтисодий фаолиятини оширишга қаратилган қатор тадбирларни белгиламоқда. Меҳнат жамоаси эса ютуқларни янада мустаҳкамлаш иштиёқида тер тўкиб ишлаяпти.

Ҳамид ПИРИМҚУЛОВ,
журналист.
Ҳазратулло РЎЗИЕВ,
«Адолат» мухбири.

Фанциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида шу йилнинг 4-8 апрел кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтадиган Европа иттифоқининг «Орол денгизи ҳавзаси» INTAS лойиҳасининг амалга оширилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

INTAS ТАШКИЛОТИ ЛОЙИҲАСИ

- Ҳозирги давримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири Орол денгизи ҳавзаси муаммосидир,- деди Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулотда ва мухтор элчиси Жак Андрей Костий жаноблари «Туркистон-пресс» мухбирига.- У жаҳон аҳлини бефарқ қолдирмаяпти. Кўпгина хорижий давлатларда бу муаммони ҳал қилишга кўмак берувчи ташкилотлар тузилган. INTAS шулар жумласига кириб, МДҲ давлатларида илмий изланишлар олиб боришни кўзда тутади. Дастурни бажаришга 2001 йилдан бошлаб киришилган ва бугунгача, ўн тўққизта лойиҳа, тўртта соҳада тадқиқот, яъни қишлоқ хўжалиги, иқлим, тиббиёт ва сув бўйича фундаментал изланишлар олиб боришни тақозо этади . Франция ҳам Европа иттифоқи жамғармаси орқали илмий ҳамкорликни молиялаштиришда қатнашяпти. У «Орол денгизи ҳавзаси» дастурининг бош ҳомийси ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Европа ва МДҲ давлатларида мазкур муаммо бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистондаги Франция элчихонаси ҳам доимий равишда мазкур муаммо бўйича олимлар билан илмий учрашувлар ташкил этишни қўллаб-қувватлаб келяпти. Бухорода бўладиган коллоквиум мазкур муаммо бўйича амалга ошириладиган масалаларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Ҳамкорлик асосида муаммолар ҳал қилинсагина, ютуқларга эришиш мумкин. Она замин ҳар биримиз яшайдиган муқаддас макон. Шу маконни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг қўлимизда.

Анжуманда INTAS ташкилотининг ижроия котиби Жаак Синнав, «Орол денгизи ҳавзаси» дастур раҳбари Д.Семпере ва Европа комиссия вакили Мишел Жиновезелар иштирок этдилар.

Партия ҳаёти

СИЗ БИЛАН БИРГАМИЗ, АЗИЗ ПАРТИЯДОШ!

Одамлар қалбига йўл топиш, маслакдош орттириш учун байрам ҳам бир баҳона. Наврўз тантаналари давом этаётган шу кунларда «Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгашининг меҳнат жамоаларида ўтказаётган дилтортар учрашувлари, фуқаролар билан юзма-юз мулоқотлари эътиборга лойиқдир.

Яқинда партиянинг вилоят Кенгаши «Ўзавтогаз» Самарқанд ҳудудий бўлинмаси билан биргаликда Темирйўл туманидаги янги истироҳат боғида Наврўз байрамини нишонлади. Байрамга шаҳар ва туманлар партия Кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари котибалари, қўплаб фуқаролар таклиф қилинди. Кўклам таомлари билан безатилган дастурхон атрофида мамлакат равнақи учун эзгу тилаклар изҳор этилди. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаш ҳақида сўз борди.

Шодиёнада пойтахтдан ташриф буюрган таниқли хонанда Султонпошша Ўдаева бошчилигида санъаткорлар дилрабо куй-қўшиқлари билан даврага файз киритишди.

– Партиянинг ҳар бир аъзоси бугун ўз ташкилоти билан шундай яқин алоқада, – дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят Кенгашининг биринчи котиби Жуманиёз Алибеков. – Биз улардан куч-қувват оламиз. Олис, яқин қишлоқлардаги ижтимоий вазиятни таҳлил қиламиз. Муаммоларга биргаликда чора излаймиз. Демак, бизнинг қўлимиз узун, мақсадимиз аниқ, интилиш-ҳаракатларимиз эса натижали.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири.
СУРАТЛАРДА: «Адолат» СДП Самарқанд шаҳар Кенгаши биринчи котиби Мамаюсуф Салимов партия хайрихоҳлари билан ўзаро мулоқотда; Наврўз шодиёналаридан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

Хўжалик судлари фаолиятидан

ШАРТНОМАГА АМАЛ ҚИЛИШ ШАРТ

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари одимланаётган давлатимизда қонун устуворлигига ва ҳуқуқий меъёрларга оғишмай амал қилишликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилларидан бири ҳам – жамиятда қонун устиворлигига эришишдир.

Дарҳақиқат, қонунларга, ҳуқуқий меъёрларга ва шартномалар интизомига риоя қилиш ҳуқуқий давлатга хос хусусият ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқида қонунлар ва ҳуқуқий меъёрларнинг бузилмаслиги муҳим ўринга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ривожланиш босқичида бўлган давлатимизда ҳам айни пайтда иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланган шартнома муносабатларига катта эътибор қаратилмоқда. Ютуқлар талайгина, лекин бу тўғридаги муаммолар ҳақида ҳам айтиб ўтмаслигимизнинг иложи йўқ.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина корхоналарнинг мансабдор шахслари, шу жумладан корхона раҳбарлари шартнома мажбуриятларини бажариш у ёқда турсин, ҳаттоки шартномавий муносабатларнинг моҳиятини етарли даражада тушуниб олмаяптилар. Масалан, шартномада унинг амал қилиш муддатлари, тарафлардан бири ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда қандай жарималар қўлланилиши, бундай жарималар қайси пул миқдоридан ҳисоб-китоб қилиниши кўрсатилмасдан ўтилмоқда. Баъзи ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида шартномада бериладиган маҳсулот учун олдиндан тўлов амалга оширилиши белгиланган бўлса ҳам, корхона раҳбарларининг ўзбошимчалиги оқибатида тўлов амалга оширилмасдан туриб, маҳсулотни бериб юбориш ҳоллари рўй бермоқда. Раҳбар ходимлар томонидан шартнома муносабатларига бўлаётган бундай эътиборсизлик корхонани молиявий ночор аҳволга олиб келишини, тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини камайтиришини ҳамда уларнинг фаолиятлари самарадорлигига жиддий зарар етказишини англамаяптилар. Мисол учун, Жиззах вилоят хўжалик судининг суд мажлисида даъвогар Жиззах вилоят прокуратурасининг «Даштобод» нефт базаси манфаатида жавобгар Янгиобод туман Машина трактор парки (МТП)дан 4769508 сўм асосий қарз ва 2119538 сўм пеняни ундириш тўғрисидаги хўжалик иши кўриб чиқилган. Бунда томонлар ўртасида 2001 йил 14 ноябрда тузилган 68-сонли шартномага мувофиқ, даъвогар томонидан жавобгарга нефт маҳсулотлари етказиб берилган. Кўрсатилган хизмат учун жавобгар хизмат ҳақини шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаб бермаган. Жавобгар – Янгиобод туман МТПнинг раҳбари ўзбошимчалик қилиб, кўрсатилган хизмат учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлиги оқибатида бу масала судгача етиб келган ва суднинг ҳал қилув қарори билан жавобгардан даъвогар фойдасига асосий қарздан ташқари 1430852 сўм пеня ва 127007 сўм давлат божи ва суд харажатлари ундирилган, бунинг натижасида жавобгар корхона 1557859 сўм моддий зарар кўрган. Бундай ҳолат такрорланишининг олдини олиш мақсадида Жиззах вилоят хўжалик суди томонидан 2003 йилнинг 18 февралида хусусий ажрим чиқарилиб, етказилган зарарни қисман қоплаш мақсадида мазкур корхона раҳбари Ш. Раҳимов ва бош ҳисобчиси К. Ҳамдамовлардан ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида пул суммаси корхона фойдасига ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган маҳсулотлар (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши таъқиқланган.

Таъкидлаш керакки, баъзи ҳолларда хўжалик судига қарзни ундириб беришни сўраб даъво аризаси билан мурожаат қилаётган даъвогарларнинг ўзлари биринчи бўлиб шартноманинг бузганлигига ҳам гувоҳ бўлаяпмиз. Жумладан, вилоят хўжалик судининг суд мажлисида Ғаллаорол туманидаги «Шамс» фирмаси жавобгар Ғаллаорол тумани «Асфальт» масъулияти чекланган жамиятидан 183792 сўм асосий қарз 447310 сўм жарима ва 391396 сўм банк устамасини ундириш тўғрисидаги хўжалик низоси кўриб чиқилган. Бунда томонлар ўртасида «Маҳсулот етказиб бериш бўйича Шартнома» имзоланган бўлиб, шартномага мувофиқ, даъвогар томонидан жавобгарга 1863792 сўмлик маҳсулот жўнатилган. Аммо шартномага кўра, жавобгар «Асфальт» МЧЖ олинадиган маҳсулотнинг 50 дан 75 фоизгача бўлган суммасини олдиндан тўлаб бериш мажбуриятини олган. Лекин даъвогар ўзбошимчалик билан маҳсулот учун тўловнинг бир қисми олдиндан амалга оширилмасада, жавобгарга маҳсулотни бериб юборган. Жавобгар ҳам шартноманинг шартларини бузишда даъвогардан ҳам ўтиб, олинган маҳсулот ҳақини тўлашни парвойига ҳам келтирмай юраверган. Суд ишга одилона якун ясади. Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан жавобгардан даъвогар фойдасига 1863792 сўм асосий қарз, 587092 сўм пеня, 11008 сўм давлат божи ва суд харажатлари, жами 2461992 сўмни ундириб берган. Шу билан бирга шартнома шартларига риоя қилмаганликлари учун даъвогар раҳбари Ж. Бойзоқов, жавобгар корхона раҳбари Э. Усмонқулов ва бош ҳисобчиси Д. Норқуловлар Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 176-1-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортган.

Юқоридагидек мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Хўжалик судининг амалиётидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш лозимки, хўжалик шартномаларининг тарафлари қонун нормаларида белгиланган қоидаларга риоя этиб, ўз зиммаларидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни янада мустаҳкам бажарсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

И. ЖУМАНАЗАРОВ,
И. УМАРОВ,
Жиззах вилоят хўжалик судининг масъул ходимлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази ҳамкорлигида XXI аср аёлининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий мавқеига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.

АЁЛНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

БМТ Бош Ассамблеяси 1993 йилда аёлларга нисбатан зўравонлик қилинишига чек қўйиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида махсус декларация қабул қилиб, дунё жамоатчилигини аёллар ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя этишга даъват этган эди. Мамлакатимизда ҳам аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан аёллар ҳуқуқлари бўйича Пекин платформасини амалга ошириш юзасидан миллий дастур қабул қилинлиги ҳам бунга мисолдир. Дастурда хотин- қизларимизнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш, меҳнатини енгиллаштириш ҳамда турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган вазифалар белгиланган.

Тадбирда «Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича халқаро инструментлар», «Ўзбекистон аёлларининг ижтимоий портрети», «Аёллар тадбиркорлиги» мавзуларида маърузалар тингланди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА САМАРАЛИ УЛУШ

Сирдарё вилоятидаги «DONI» хусусий фирмаси «Ташаббус-2003» кўрик-танловининг «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича ғолиб деб топилди. Фирма юқори навли ва сифатли уруғлар етиштириш, қайта ишлаш ва янги уруғ навлари яратишга алоҳида эътибор бермоқда.

– Корхона қишлоқ хўжалик уруғларини қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш мақсадида «Петкурс К-218», «Петкурс К-531 Гигант», «Петкурс-форшит К-590» ва «Холлер» ускуналари билан жиҳозланган, – деди фирма директори Рифат Мейербеков «Туркистон-пресс» мухбирига. Фирмада ўн беш турдаги экиннинг 38 хил нави бўйича уруғ етиштириб берилади. Ўтган йили корхонамиз 35 минг АҚШ доллари миқдорида импорт ва 16 минг АҚШ доллари миқдорида қишлоқ хўжалик уруғлари экспорт қилди.

Тошкент вилоятининг «Чиноз пахта тозалаш корхонаси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ўз касбига садиқдилдан кўнгил қўйган ишчи-хизматчилар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг орасида техник назорат бўлими бошлиғи Зухра Тоғаеванинг алоҳида ўрни бор. 15 йилдан буён бу ерда баракали меҳнат қилиб, икки йилдан буён мазкур бўлимни бошқараётган Зухра Тоғаева жамоа мутахассислари билан биргаликда ҳиссадорлик жамиятини сифат ва самарадорликка эришиши учун муҳим замин ҳозирлаяпти. Корхонада қайта ишланган пахта толаси ўз навбатида ўзимиздан ташқари дунёнинг ўнлаб ривожланган мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

СУРАТДА: техник назорат бўлими бошлиғи Зухра Тоғаева (чапдан ўнгга) лаборатория мудири Марина Могилевских ва лаборантка Жамила Аслонова билан тайёр пахта толаси сифатини назоратдан ўтказишмоқда.

Маънавият сабоқлари

ИНСОН - ОЛАМ ГУЛТОЖИ

Ҳали мурғак бола эдик. Ҳисор тоғ этакларида сакраб, чопқиллаб ўйнашиб юрардик. Болалик оғушининг фурсатларда тутқич бермасдан ўтиб кетишини хаёлимизга ҳам келтирмасдик. Тўғриси, ҳаёт фалсафаси, умргузаронлик ташвишлари нима эканини билмасдик. Яхши-ёмон, дўсти-душманнинг фарқига ҳам бормасдик. Боботоғдан ҳар тонг бош кўтариб чиққан қуёшни кўриб, шодликка тўлардик.

Ўша, беғубор пайтларимизда кун билан туннинг фарқини қуёш чиқиши ва ботиши деб билганмиз. Куннинг бизга кўринган қайноқ ҳаёти одамларнинг ҳаракатида намоён эди. Туннинг фарқли жиҳати сокинлик, тинчлик бўларди.

Болалик ҳақида ҳар кимнинг тушунчаси бир хил бўлмайди. Қишлоқ билан шаҳар болаларининг турмуш тарзи ўзгача, айнан, тоғликлар билан пасттекисликдаги қишлоқларда ўсган ёшларда ҳам ўзига хослик мавжуд.

Муҳтарам ўқувчим! Ушбу хотира қайдларимни беғубор ёшлигимни қайта эслаш учун атайин тилга олаётганим йўқ. Бунга туртки бўладиган сабаблар бор. Буни ўша пайтлардаги меҳр-оқибат туйғуларида кўргандай эдим. Азалдан бир нарса аён. Ҳамма нарсага биргина вақт отлиқ ҳакам ҳукм чиқаради. Биз, фақат ўзимиз кўрган нарсалар билан айрим ҳолатларни ўлчашга, баҳолашга одатланиб қолганмиз.

Одам фарзандлари орасида олимликнинг мартабаси ниҳоятда баланд. Авом билан олимлик бир тушунча эмас. «Э, сенинг олимлигингга...» деган гапларни ҳам нодон ва одатда авом одам айтади. Бу ҳақда муқаддас ва муборак китобларда ибратли қайдлар мавжуд. Жоҳиллик ва жаҳолатнинг сабабчиси ҳам аслида нодонлик, илмсизликда деб бекорга айтилмаган.

Одамга илмийлик жиҳатидан ёндошадиган бўлсак, одам – органик олам тараққиётининг энг олий босқичи бўлиб, одам бошқа махлуқотлардан ўлароқ, тафаккур қилиш ва сўзлашиш қобилиятига эга. У меҳнат қилиш ва ўзини, юртини ҳимоя қилаоладиган қурол-яроғлар тайёрлай оладиган ишланувчан ва тадбиркор зотдир. Одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги илмий таълимот ҳануз ўз ечимини кутади. Бироқ, унинг ёши ҳақидаги баҳс-мунозаралар, илмий ечимлар ҳам бир қўнимда тўхтагани йўқ. Баъзан бир, баъзан эса бир ярим миллион йилдан ҳам кўпроқ йиллар билан инсоният ёши баҳоланиб келинади.

Мозийнинг фалсафаси Умар Ҳайём рубоийсида ўз тимсолини топганлигига иқрормиз:

Сен мендан олдин ҳам тун-кун бор эди,
Айланган фалак ҳам бутун бор эди.
Тупроққа авайлаб оёғингни қўй,
Бу тупроқ қорақўз бир нигор эди.

Одам эволюцияси борасида ўнлаб, юзлаб олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этганлар. Бироқ, одамнинг маймундан келиб чиқиши тўғрисидаги Чарлиз бобо таълимоти ҳам ҳануз тўлиқ ўз тасдиғини топганича йўқ. Бу хусусда профессор Абдулла Аъзамовнинг 2000 йил «Тафаккур» журналида эълон қилинган мақоласи ҳам диққатга лойиқдир.

Динийлик нуқтаи назаридан одамга баҳо берадиган бўлсак, бу – ҳамма оламларнинг ҳожаси – Оллоҳ таоло қудрати туфайли содир этилган. Одамни қора тупроқдан бор қилган. Демак, унинг қачон яратилгани фақат ва фақат Оллоҳнинг ўзигагина аёндир. Одамни Оллоҳ таоло ҳамма, барча нарсалардан азизу мукаррам қилиб яратган. Шу боис ҳам одамдан олимлар етишиб чиққан. Одам олимдир, фаришталар ёки ер ости, дейди Оллоҳ таоло. Қаерда обид бўлса, у албатта олимга хизмат қилади. Яна бу ҳолат шундай давом этади:, «Одам маҳдум бўлсин, сизлар ҳодим бўлингизлар: одам масчит бўлсин – сизлар – сожид бўлингиз. Ҳа, сизлар доим одамга сажда қилувчиларсиз», – дейилади. Одамнинг мукаррам ва азизлиги, Оллоҳ таолонинг ана шу сўзларида ўз ифодасини топгандир.

Олий сўзи ҳам одамга нисбатдир. Олий мақом, бу – одамга бир сифат. Олий, бу – мавқе, мартаба, раҳбарлик лавозимидир. Олий мақом эса юқори даражали, юксак нишон белгиси.

Зеро,

«Бизлар бир ўткинчи жаҳон барқарор,
Одамдан фақат сўз қолур ёдгор»,

дея алломаларимиз бежиз айтишмаган.

Одамнинг орасидан олимлар етишиб чиқади дедик. Зеро олим одам сифатининг юксаклик мақоми. Шунинг учун ҳам олим кишига: «Етти минг йиллик рўзадорлик амали ёзилади», деган Тангри таоло.

Шу кун нуқтаи назаридан ёндошиб олимни баҳолайдиган бўлсак, у фаннинг бирор соҳаси бўйича махсус билимга эга бўлган инсондир. Дейлик бунга тарих, жуғрофия, физика, химия, биология, тиббиёт, ер билими ва ҳоказоларни мисол келтирса бўлади.

«Олим бўлсанг, олам сеники». «Оз-оздан ўрганиб, олим бўлур» каби мақоллар замирида кўп ва хўб маъно мазмун бордир. Афлотун ҳам, Арасту ҳам ўз замонасининг кўп доно, кўп ақлли олимлари бўлишган. Худди шундай бизнинг улуғ ватандошларимиз Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Ал Хоразмийлар ҳам ўз даврининг энг кучли олимлари бўлганлар. Буни жаҳон тан олиб, тан бериб турибди.

Одамнинг ақли ўткир, тафаккури кенг ва мушоҳадаси бой дедик. Миср эҳромлари, Сулаймон ибодатхонаси, Каъбатуллоҳ, Тож Маҳал каби кўпдан-кўп мўъжизавий, одамни лол қолдирадиган обидалар ҳам инсон меҳнатининг маҳсулидир.

Инсон бунёдкор ва яратувчи. Зеро, унинг қўлидан келмайдиган нарсанинг ўзи йўқдек туюлади. Бироқ, одамни одам тадқиқ қиладиган бўлса борми, янада антиқий ҳолатларни кашф этгандай бўласан киши. Бу фоний дунёда одамдан қаҳрли, одамдан меҳрли зот бўлмаса керак. Шу билан бирга ваҳшийликда, қитмирлик ва қувликда одам ҳайвонлардан ҳам ошиб тушади. Ҳатто маъ-лун шайтонни ҳам ортда қолдиради.

Сўнгги асрларда инсон тақдирида ғайри, илоҳий ҳолатлар пайдо бўлгандай. У бирбирини лол қолдираётганини кўриб ажабланиб қоласан киши. Инсоният ақли тафаккурининг юксалиб кетгани сабабли бу баъзида катта-ю кичик фожеаларга сабаб бўлаётганини унинг ўзи ҳам билмай қолаётганга ўхшайди.

Шоир айтганидай:

Одамлар бор – бўрини ҳам ўргатар қўлга,
Одамлар бор – ўз боласин сололмас йўлга.
Одамлар бор – кўзсиз бўлиб, пат гилам тўқир,
Одамлар бор – кўзли бўлиб, кўзсизни чўқир...

Одатда икки йиртқич ҳайвон бир-бири билан уришганида енгилгани қочса, ғолиби унинг орқасидан қувиб бормайди. Одам билан одам уришганида эса енгилганини янчиб, мажақлаб ташламагунича, у ўзига келолмайди. Унинг ҳумори босилмайди. Ҳатто, ўлган мурданинг бош чаноғини кесиб олиб, ундан хуморбости – май ичадиган коса ясаб олганлар ҳам бўлган. Ҳа, ўликдан ўч олмоқчи бўлганлар ҳам одамнинг энг қабоҳатлисидир. Одамга баҳо берилганида унинг ана шу жиҳатлари ҳайратланарлидир. Мансур Ҳаллаж, Имомиддин Насимий, Бобораҳим Машраб ва Собир Термизийнинг тақдирини бир кўз ўнгимизга келтириб кўрайлиқчи?

Айни бир пайтда унинг бошқа муҳим жиҳатларини ҳам тан олмоқ, унга иқрор бўлмоқ ҳам керакки, деб қоласан киши. Чунки инсон зеҳни, тафаккур қилиш қуввати шунчалар ўткир ва кучлики, уни қанчалар ишлатмагин, асло камаймайдиган хазинага ўхшаб кетади. Тўғриси, бундай ҳолатни инсоннинг ўзи ҳам ҳамма вақт англаб, тушуниб етмайди. Биз бу қудратни улуғ боболаримиз – Беруний, Ибн Сино, Форобий, Фарғоний, Бухорий, Термизий, Яссавий, Умар Ҳайём, Бедил, Нажмиддин Кубро каби ўнлаб, юзлаб алломаларимиз тимсолида кўргандай бўламиз.

Ёши улғайиб, кексайган сайин одам меҳр-оқибатга янада ташна бўлиб қоларкан. Ваҳоланки, бугун унинг жудажуда зарурлиги сезилмоқда. Шундай пайтда ўзимиз ҳазм қила олмайдиган ҳозирги баъзи бир одатларни кўриб, баъзан ҳайратга тушаяпмиз. Топармон, тутармонларимиз негадир кўпроқ ўзларини ўйлайдиган бўлиб қолганлар. Тўй ва айрим тантаналарга улар фақат ўзига тўқларни чақирадилар. Маҳалла ва гузарлардаги мактаб, тиббий масканлар ҳолидан хабар олишни хаёлларига камданкам ҳоллардагина келтиришади. Яқинлари ва қўни-қўшнилари орасида кам таъминланганлари бўлатуриб, уларга мурувват қўлини чўзмайдиган, ўзи яшаб турган ҳудуднинг озодалигига, атроф-муҳит муҳофазасига бепарво қарайдиган бу тоифа кишиларнинг борлигидан ҳижолат чекиб қоламиз. Уларнинг нега ўзи юрадиган йўлга, ўзи яшайдиган маҳаллага бепарво қарашлари кўпчилигимизни таажжубга солади.

Меҳр-оқибат ҳақида сўз борар экан, зеро, ўтаётган 2003 йилимизда – «Обод маҳалла йили» муносабати билан юртимиздаги саховатпеша, ҳиммати баланд тадбиркорлару ишбилармонларимизда меҳр-оқибат ришталари кенг қулоч ёйса янада яхши бўларди. Ахир яхшилик уруғи олийҳимматлиликда кўзга ташланади.

Абдулҳамид ЧИНОРИЙ,
доцент.

Шундай яшар одатда одам

СЕРҚИРРА ИЖОДКОР

Юртимиз кўрки ва фахри бўлган қарияларимиз ҳақида қанча гапирсак ҳам озлик қилади. Ахир «Қариси бор уйнинг – париси бор», деб бежиз айтишмаган-ку! Ҳаётда 50 дан ошиб-ошмай мунғайиб қолган кишиларга ҳам дуч келамиз. Гоҳида эса 60 дан ошиб, 70 га етиб ҳам йигитлардай жўшиб, ёшларга тенглашиб, ҳормай-толмай ишлаб юрган отахонларни кўриб қувониб кетамиз, албатта. Бу тоифадагилар «Қариман», дейишмайди. Доимо иш билан банд бўлишиб, ўз халқимга ва юртимга, бола-чақамга нафим тегиб юрсам, шу бахтим деб билади. Бизнинг бугунги қаҳрамонимиз ҳам худди ана шундай олийжаноб кишилардан бири – Мели Норматов.



Кўринишидан ўрта бўй, кўзлари чақноқ ва ёниб туради. Сўзлари эса пишиқ, дона-дона, залворли, ҳар қандай кишини бир пастда «сеҳрлаб» олади. Ҳақиқатни ва тўғри сўзни ёқтиради. Ёмон ва ёлғон сўзни эса ёмон кўради. Табиати шунақа бўлгани учун ҳам бировлар олдида ҳижолат чекиб, уялиб ҳам юрмайди.

Ҳаётларидан фахрланиб юрадиган бир жиҳатлари бор:

Мени мактабда ўқитган устозларим хурматли Шароф Рашидов ва у кишининг рафиқалари Хурсаной опам бўладилар», – дейди.

– Шундай мартабали ва улуғ устозингиздан бирон марта ёрдам сўраганмисиз?

– Йўқ, йўқ! – У киши билан кўп бор учрашганман. Фақат маслаҳат сўраганман улардан.

– Мелибой, ўзингизга ҳам бирон нарса керакми, деб сўраганларида: «Сиздан иккита истагим бор», дердим.

– Хўш, бу истакларингиз нималардан иборат экан? – сўрардилар Шароф Рашидов.

– Биринчидан, халқимизнинг бахтига доимо саломат бўлиб юринг, иккинчидан эса, мамлакатимиз ва юртимиз равнақи йўлида ҳормай-толмай ишлаб юрсангиз бўлгани, – дердим.

– Баракалла, – кўплар қабулимда бўлганида ё уй, ё машина, баъзилар ҳатто уялмай-нетмай амал ҳам сўрайди. Сиз бўлсангиз...

Мели ака шунақа инсон. У киши Жиззах фарзанди. 1928 йилнинг айни баҳор кунларида, мироб оиласида таваллуд топган. Шу ерда ўрта мактабни тугатиб, сўнг 1944 йилда Самарқанд давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди. Уни 1949 йилда муваффақиятли тамомлади. Тақсимот ҳайъатининг тавсияси билан шу университетда қолинади. Бир неча йил талабаларга ўзбек тилидан дарс ўтади ва ниҳоят 1952 йилда Тошкентга келади. Дастлаб Ўзбекистон давлат нашриётида муҳаррир бўлиб ишлайди.

Тошкент Мели ака ҳаётида ижод ва изланиш манбаи бўлди. У кишининг газета ва журналларда долзарб мавзудаги мақолалари бирин-кетин чоп этила бошланди. Айниқса, адабий муҳитга секин-асталик билан кириб борди. Ижодкорларнинг асарларига ўз муносабатларини билдирган ўтли, халқчил тақризлари эълон қилина бошланди.

Бахти кулганми, омад у кишига ёр бўлганми, ҳар нечук Москвадаги олий журналистика факультетида икки йил ўқиди. Ўша ерда машҳур адиблар, давлат ва жамоат арбобларидан сабоқ олади, уларнинг баъзилари билан учрашиб, шахсан суҳбатлашишдек бахтга ҳам муяссар бўлади.

Мели ака Тошкентга қайтиб келиб, Ўзбекистон «Китобсеварлар» жамиятида ижроия директор вазифасида фаолият кўрсата бошлайди. Бир вақтнинг ўзида илмий-тадқиқот ишларини ҳам давом эттиради. Аспирантурада ўқиб юрган пайтларида ўнлаб илмий мақолалар чоп эттиради. Меҳнатлари зое кетмади. Диссертация ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди бўлди.

Мели аканинг Ўзбекистон телерадиокомпаниясида ўтган қарийб 40 йиллик фаолияти янада самарали бўлди. Бу ерда адабий драматик эшиттиришлар ва болалар муҳарририятларида бош муҳаррир бўлиб ишлаган пайтларида воқеликка муносабат, ҳаётий муҳим масалалар ечимини ҳал этишга хизмат қиладиган кўплаб мулоҳазаларни ўртага ташлади. «Улуғбек хазинаси», «Медиа», «Қироллнинг дилхуши», «Оқ кема», «Ҳазрати инсон» телеспектакллари, «Бўстон», «Илҳом», «Ижод саҳифалари», «Ёзувчи ва замон» каби кўрсатув ва эшиттиришларга ҳам асос солди.

Мели Норматовнинг йўлларига нигоҳ ташласак, у киши амалга оширган ишлар янада яққол кўзга ташланади. Зеро ижодкорнинг бисот-хазинаси бир оламга ўхшаб кетади. «Шоирнинг болалиги», «Энг гуллаган ёшлик чоғимда», «Чекист ўғли», «Меҳмон бола», «Аждодларим», «Дил қувончи» каби ўнлаб асарларидан маънавий озуқа олиб турган ўқувчилари бир талай эканлигидан янада қувонасан, киши. Мустақиллик йилларида Мели Норматов ижоди янада барқ урди. Машҳур давлат ва жамоат арбоблари, атоқли адиблар ва санъаткорлар ижоди ва ҳаёти ҳақида ўнлаб ёднома асарлар ёзди.

– Ҳамкасбларим қанчалик талантли ва иқтидор сохиби бўлмасинлар, аввало улар чин маънодаги инсон бўлсинлар. Ҳаётни ва ижодни мукофотлар ва унвонлар учун эмас, балки халқи ва юрти бахт-саодати йўлида хизмат қиладиган ишларга бахшида этсинлар, – дейди Мели ака.

Аслида умргузаронликларида Мели ака юқорида айтган ўгитларга ҳар доим ўзлари амал қилиб яшайди ва одоб-ахлоқда барчага ибратлидир. Айниқса, хотин-қизларга «онажоним», «қизалоғим», эр йигитларга «отажоним» дея муомала қиладилар.

Ҳаёт давом этаётир. У киши пенсияга чиққанларига қарамасдан, мана қарийб ўн беш йилдирки, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида талабаларга телерадиожурналистика ва оммавий ахборот воситалари, нутқ маданияти ва журналистик маҳоратдан дарс ўтиб, мураббийлик мақомини ҳам улуғлаб келяптилар.

Мели Норматов ҳаётлари давомида дилозорликдан жуда кўп озор чеккан инсон. Шу сабабли ҳам дўстлари ва шогирдлари даврасида бўлганларида Умар Ҳайёмнинг бир байтини айтиб, уларни дилозорлик, ғазаб ва нафратдан сақланишга чорлаб юрадилар.

Кимсани ранжитма, ранжитма ҳайҳот,
Ғазабинг бировга сочмагин, эй зот.
Ўзинг ранж чеку ҳеч кимни ранжитма,
Роҳат десанг агар ўзинг ғамга бот.

– Шогирдларимни фарзандим деб биламан, – дейди Мели ака. – Ўрол Ўтаев, Маҳмуд Тоир, Эркин Неъмат, Абдулҳай Носиров, Абдусамат Исоқов, Тоҳир Муллабоев, Ҳафизахон Ҳайитметова, Насибахон Зиёвитдинова, Муаттар Усмонова каби шогирдларим борлигидан қувониб юраман.

Мели ака, мана, учқур саман отга миниб олиб, катта ҳаёт йўлининг барча сўқмоқларидан омон-эсон ўтиб келаётирлар. Кўзлаган нурли манзиллари узоқ бўлсада, 75-девонга чиқиб олибдилар. Ана шу умрнинг 55 йили фақат қайноқ ҳаёт ва меҳнат фаолиятини ташкил этади. Мели акага тилагимиз шундай: «Ҳеч қачон кам бўлманг, юзни мўлжалга олаверинг. Ўшанда яна сиз ҳақингизда тўйҳат ёзиш бизга ҳам насиб этаверсин».

Расул РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.
Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,
доцент.

Сенинг улуғ фарзандларинг, Ўзбекистоним

АЖДОДЛАРИМИЗ – ЖАҲОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСЧИЛАРИ

Халқимизнинг қадимий ўтмишига назар ташласак, уларнинг қайси даврда яшаганликларидан қатъий назар жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келганликларининг гувоҳи бўламиз. Дарҳақиқат улар дунёвий фанларни ривожлантирмасдан тараққиётга эришиш мумкин эмаслигини яхши билишган. Бунга биргина «Маъмун академияси» фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу даврда иқтисодий, маданий ҳаёт жонланиб, Бағдод Шарқнинг йирик, маданий илмий марказига айланди. Илм-фанга, маърифатга кенг йўл очилиб, математика, фалакиёт, фалсафа, тиббиёт ва бошқа фанлар тез суръатлар билан ривожланди. Қўшни мамлакатлардан кўплаб нодир китоблар йиғилиб, ўша даврнинг энг йирик кутубхонаси ташкил этилди.

Бу «Бахт ул-ҳикма» (Донишмандлар уйи) академияси атрофига кўплаб ўша даврнинг зукко олимлари, таржимонлар, ҳаттотлар тўпланган эди. Академияда жаҳоннинг етакчи машҳур олимлари: Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, имом ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Каффл Шоший (Ҳазрати имом), Абу Наср Муҳаммад Фаробийлар ўқиб, керакли билимларни чуқур ўрганиб, сўнгра қатор фанларга асос солиб кетганлар.

Ал-Хоразмий бу академиянинг раҳбари ҳам бўлган. Ал-Фарғоний эса, ўз лойиҳаси асосида жаҳонда биринчи бўлиб, иккита улкан расадхона қуриб, бу расадхонанинг барча ишларига бошчилик қилган. Ал- Фарғонийнинг ўз лойиҳаси асосида Мисрнинг Коҳира шаҳридан ўтадиган Нил дарёсига қурган, унинг сатҳини доимо аниқ ўлчайдиган улкан иншооти ҳозир ҳам хатосиз ишлаб турибди.

Абу Наср Муҳаммад Форобий эса жаҳонда биринчи бўлиб, Аристотель ва Платон асарларини тўла шарҳлаб, оддий, тушунарли изоҳлар билан дунё олимларига мағзини чақиб берди. Шунинг учун уни Шарқ мамлакатлари халқлари улуғлаб «Ал-Муслим ас-сони» (иккинчи муаллим), Шарқ Аристотели» деб ном ном беришган.

Абу Райҳон Беруний денгиз сувларини қирғоққа якинлашуви, урилиши ва сувни қирғоқдан узоқлашувига қараб ерни ороллари ё ярим ороллигини аниқ билган.

«Маъмун академияси»нинг кўп йиллик иш жараёнида қадимги юнон олимларининг ҳамда Ҳиндистонда эришилган фан ва маданият ютуқлари ҳақидаги антик асарлари араб тилига, кейинроқ форс тилларига таржима қилинди. Аристотель, Платон, Птолемей асарлари ҳам араб тилига ўгирилди. Бу таржималарнинг барчасида асосан Мовароуннаҳр олимлари фаол қатнашиб, кейинроқ жаҳонда биринчилардан бўлиб математика, астрономия, география, тиббиёт ва бошқа фанлар бўйича янги ўлмас асарлар, дарсликлар яратишди.

Ал-Хоразмийнинг «Астрополлик зиж» асари, ал-Фарғонийнинг «Китоб ал- ҳаракат ассамовий ва жабомеъ иам ан-нужум» («Осмондаги сайёрлар ҳаракати ва юлдуз тўғрисидаги билимлар йиғиндиси») асари ҳамда Абу Али Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» ва бошқа нодир асарлар XII аср бошларида араб тилидан лотин тилига, ўтган аср охирида эса бошқа тилларга бир неча марта таржима қилиниб, айниқса, Европада кенг ёйилган ва шуҳрат топган асарларга айланди. Бу асарлар ҳамда бошқа олимларнинг яратган нодир асарлари Шарқ илмий тафаккурининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди, Европада дунёвий фанларни ривожланишига асос солди ва европаликларни тезлик билан тараққий этиб, ривожланишга улкан йўл очиб берди.

Мирзо Улуғбекнинг Астрономия соҳасида яратган улкан, жаҳонда ягона бўлган асарлари шу кунгача ҳам жаҳон фанида ўз ўрнини топган. Машҳур космонавтика олими Циолковский Мирзо Улуғбекни коинот тўғрисида (сайёралар, юлдузлар ҳаракати ҳамда шу вақтгача тузилган уларнинг аниқ астрономик ҳисоб жадвали ҳақида)ги асарларини ўрганиб деган: «Буюк Шарқ олими Мирзо Улуғбек инсониятни космосни ўрганиб, унга бўладиган парвозини бир неча асрларга осонлаштирди». Бу ҳамда бошқа ишларнинг барчаси натижасида жаҳонда дунёвий фанларнинг тезда ривож топиб, инсониятнинг тезлик билан юксалишига олиб келди ва тараққиётга асос бўлди.

Малазия давлатининг Ўзбекистонлаги Фавқулотда ва Мухтор элчиси жаноб Яхё Абдулжаббор биз билан бўлган суҳбатда: «Малазияликлар Ўзбекистон халқини бизнинг энг яқин биродаримиз деб биладилар. Чунки бизнинг тарихимизда Ўзбекистонда яшаб, ижод қилиб жаҳон фанларини ривожлантиришга ҳисса қўшган олимлар ислом йўналишидаги» барча буюк сиймолар ҳақида ўқитилади. Бу иккала давлатни барча соҳадаги муносабатлари борган сари ривожланиб боради. Бунинг учун барча шарт ва шароитлар мавжуд».

Президентимиз ўз маърузаларида ўтган буюк аждодларимизни ўз соҳаси бўйича керак бўлган онларда далил сифатида эслатиб, улар ишларини давом эттириш нафақат фанимизни ривожлантиришга, балки иқтисодий тараққиётимизни тезлатишга омил бўлишини ҳам уқтириб турибдилар. Келажакда ёшларимизни билимли, ақл билан иш юритадиган ҳақиқий инсонлар бўлиб етишишлари учун Юртбошимиз барча шароиталарни яратиб, керакли маблағларни ажратмоқдалар. Юзлаб замонавий коллежлар ҳамда академик лицейлар қурилиб, уларда минглаб ёшларимиз керакли соҳа мутахассислиги бўйича ўқимоқдалар. Бу ўқув масканларининг барчаси замонавий ўқув дастгоҳлари, асбоб-анжомлар, компьютерлар, видео, аудио ҳамда телевидение воситалари билан таъминланган. Бундан ташқари минглаб ёшларимиз АҚШ, Англия, Германия, Япония каби тараққий қилган давлатларда ўз билимларини ошириб, керакли мутахассис бўлиб етишмоқдалар.

Иқтисодий тараққиёт йўлидаги айрим қийинчилик вақтинчаликдир. Бу қийинчиликларни тезлик билан бартараф қилиш учун кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда чет эл инвесторларини юртимизга кўплаб жалб қилиш даркор. Бунинг учун барча шарт ва шароитлар мавжуд. Фақат ҳар бир фуқаро ўз хиссасини бу улкан ишга астойдил ҳаракати билан қўшиши зарур.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД.



Билим чўққиларин забт этаяпти,
Сенинг фарзандларинг жон Ўзбекистон.
Улар камолида шуҳратинг ортар,
Шунда қойил қолур жумлаи жаҳон.

ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ:

Тўрт нарса эркакнинг камолотига далилдир: биринчиси дўстлар билан машварат қилишлик, иккинчиси душман билан мадора қилишлик, учинчиси иссиқ ҳавога чидамлик, тўртинчиси аччиқ сўзга чидашлик.

* * *

Икки нарса одамни икки нарсага етказади: сабр – муродга, қаноат – қудратга.

* * *

Тўрт нарса тўрт нарсани келтиради: сукут-саломатликни, яхшилик – эминликни, саховат – буюкликни, шукур – зиёдаликни.

* * *

Тўрт нарсани қайтариб бўлмайди: айтилган сўзни, ўтган ишни, отилган ўқни, ўтган умрни.

* * *

Саломатлик уч нарсададур: Худонинг берган умрига рози бўлиш, дин шартларини бажариш, бировнинг дилига озор беришдан узоқ бўлиш.

* * *

Тўрт нарсадан эҳтиёт бўлмоқ керак: тезлик ва шошма-шошарликдан, қаҳр-ғазабдан, бахиллик ва хасисликдан, мақтанчоқлик ва такаббурликдан.

* * *

Тўрт нарса аҳмоқлик далилидур: ўзига бино қўйиш ва такаббурлик, бошқаларнинг айбини қидиришлик, бахиллик, аблаҳдан умидвор бўлишлик.

* * *

Уч нарса хушхабарликдир: асли поклик, қўли поклик, тўғри раъйилик.

* * *

Нима десам экан деб андиша қилишлик, нега айтдим деб пушаймон бўлишдан афзал.

Касбидан қадр топганлар

ЖОНКУЯР НОЗИР

Фурқат ҳали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ДАН ходими бўлишни жуда-жуда орзу қиларди. Ўқишдан бўш пайтларида «ДАН пости»га келиб, у ердаги хизматчилар ишини кузатиб турар эди. Ходимлар ҳам йигитчанинг бу соҳага қизиқишини билиб, бу ерда нима қилиб ўтирибсан», деб сўрашмасди. «Касбимизга меҳр қўйибсанми, яхши ўқисанг муродингга етасан», дея Фурқатнинг кўнглини кўтариб қўйишарди.

Орзуга айб йўқ дейишади. Фурқат ўрта мактабни битиргач, Бухоро автомобиль техникумига ўқишга кирди. Уни имтиёзли диплом билан тугатиб, ҳарбий хизматда бўлди. Хизматдан анча бақувват бўлиб қайтди.

– Ўғлим, – деди отаси Шароф ака, – хизматни ҳам ўтаб келдинг, энди қаерда ишламоқчисан?

– Ёшликдаги орзуимни ўзингиз биласиз-ку отажон. ДАН ходими бўлмоқчиман.

– Таниш-билишимиз бўлмаса, сени ишга қабул қилармикан.

– Техникумдаги дипломим шу соҳага тўғри келади. Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Ички ишлар хизматида таниш-билишчилик деган гап йўқ. Уларнинг синовларидан ўтсам бўлди, ишга албатта қабул қилишади.

Фурқат вилоят ДАН бошқармаси бошлиғи ҳузурига ўзи келди, орзу ниятларини изҳор этди. Бошлиқ йигитнинг жуссадор елкаларига, самимий ва тиниқ кўзларига маънодор боқди, маълумотини суриштирди.

– ДАН ходимининг вазифаси ўта масъулиятли, – деди бошлиқ, – кечаю кундуз хушёрликни, йўл қоидаси ва қонунга риоя қилмаганларга нисбатан қаттиққўлликни талаб этади.

– Бу соҳадаги ходимлар ҳаракатини ёшлигимдан кузатганман. Мақсадим мустақил Ватанимга жон куйдириб хизмат қилиш.

– Жуда яхши. Аслида бизга сендек фидокор йигитлар керак.

Фурқат Рўзиқулов 1997 йили Навоий вилоят ДАН бошқармаси бошлиғининг буйруғига биноан Навоий тумани ДАН бўлинмасига йўл ҳаракати нозири этиб юборилди.

ДАНчиларнинг хизмат постида бир дақиқа ҳам ҳаловати бўлмаслигини Фурқат биринчи иш кунидаёқ сезди. Катта йўлда машиналарнинг кети сира узилмайди. Ҳар бирини кузатиш керак. Тезликни оширяптими, ўтаётган машина ҳайдовчилари спиртли ичимлик истеъмол қилмаганмикан. Ўша транспортларда ноқонуний товарлар олиб кетилмаяптими, улар техник кўрикдан ўз вақтида ўтганми? Хуллас, ҳар томонлама кузатиш, синчковлик билан назорат қилишга тўғри келади.

Фурқат Рўзиқулов касбига садоқат билан хизмат қилди. Унинг хушёрлиги, ҳаққонлиги, фидокорлиги туфайли қоидага риоя қилмаганлар, қўшни республикалардан ноқонуний товарлар олиб келаётган ҳайдовчилар қўлга олинди. Спиртли ичимлик ичиб, рулни бошқарганлар қилмишига яраша жазосини олишди.

Ҳалоллик, ўз вазифасига нисбатан масъулиятни чуқур ҳис этиш Фурқатга обрў эътибор олиб келди. Устозлари ва ҳамкасблари ўртасида унинг номи ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинадиган бўлиб қолди. Фурқатни жонбозлигини кузатган раҳбарият уни вилоят ДАН бошқармасига катта нозир этиб тайинлади. Бундай ишонч Фурқатни янада жон куйдириб хизмат қилишга чорлади.

Яқинда унга янада катта бир вазифа юкланди. Бу, Навоий – Бухоро катта йўлида жойлашган «Анор» йўл-патрул масканини бошқариш вазифаси.

– Фурқат Рўзиқуловнинг хушёрлиги туфайли, ноқонуний товарларни келтирувчилар, уларни вилоятимиздан олиб чиқувчилар ўз вақтида қўлга олиняпти, – дейди Навоий вилоят ЙҲХБ бошқармаси нозирлар раҳбари Шермурод Эгамов. – Яқинда ўндан зиёд кишилар қўшни Туркманистондан ҳеч қанақа ҳужжати бўлмаган турли хил товар ва тамаки маҳсулотларини олиб келаётган вақтида Фурқат Рўзиқулов томонидан қўлга олинганлиги фикримга мисол бўла олади. Фурқат ўта сезгир нозирларимиздан. Шунинг учун ҳам биз у билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳа, навоийлик ёш ЙҲХБ ходимлари ўз хизмат вазифаларини ҳалоллик ва хушёрлик билан бажариб, йўлларимизнинг бехатар, тинч, осойишта бўлишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар, элнинг дуосини олишаяпти.

Асқар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири.

Божхона масканларида

Бугунги кунда юртимизда ривожланган мамлакатлар андозаларига мос келадиган замонавий божхона хизмати иншоотларини қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу тарзда божхона масканлари ҳур мамлакатимизнинг мустаҳкам дарвозасига, зирҳли қалқонига айланаяпти.

"Сариосиё" божхона назоратидан ўтказиш мажмуи ана шундай иншоотлардан биридир. Маскан қардош Тожикистон Республикси билан дўстлик ва қардошлик алоқаларимизни тиклашга хизмат қилиб келмоқда.

Божхона мажмуида 33 ходим меҳнат қилишади. Вазирлар Маҳкамасининг 154-ва 295-сонли қарорларини бажарилишини таъминлаш юзасидан бу ерда сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Сохта тадбиркорлар ҳамда контрабанда унсурларига қарши кескин муросасиз бўлиш божхона хизмати ходимлари олдидаги асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Бу борада мазкур мажмуа божхоначилари яхшигина тажриба тўплашган.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Қарорларни бажарилиши юзасидан божхона мажмуида 198та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, 168 холатга кўра 18578900 сўмлик моддий-товар бойликларимиз республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетиладетган пайтда ушлаб қолинди. 29 ҳолат бўйича божхона қоидалари бузилганлиги қайд этилди. 25 нафар қоидабузарга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Улардан 5387420 сўмлик товар бойликлари давлат фойдасига мусодара этилди.

Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги Бўри Очилдиев номли ширкат хўжалиги, 1-май қишлоғида яшовчи Хурсанд Валиев 724476 сўмлик парфюмерия махсулотларини, Денов тумани, Беруний кўчаси, 11-уйда истиқомат қилувчи Ширин Ҳамидова 372000 сўмлик болалар кийимкечакларини ноқонуний равишда Тожикистон Республикасига ошираётган пайтда тузоққа илиндилар.

-Ишимизнинг самараси ўзаро ҳамкорликка боғлиқ. Бу борада миллий хавфсизлик хизмати жонкуярлари, чегарачиларимиз, ички ишлар соҳаси фидоийлари, қонунларимизни ҳимоя қилувчи ҳуқуқшуносларнинг кўмаги бор. Шу боисдан ҳам гиёҳвандлик моддаларини республикамизга кириб келиши қамайди. Сифатсиз товарларга тузоқ қўйилди,-дейди "Сариосиё" божхона комплекси смена бошлиғи, божхона хизмати катта лейтенанти Хўжамурод Абдусамадов биз билан сухбатда.

Божхона маскани Ватан дарвозаси ҳам ҳисобланади. Яъни, у остонанинг илк бор бошланиши ҳамдир. Бу дарвозанинг эшиклари яхши ният билан қадам ранжида қилганлар учун ҳамиша очиқ.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
"Адолат" мухбири.

Қадриятларимиз

ЗЕБОЛАР ЗИЙНАТИ

Дунёда биттагина аёл бўлса ҳам заргарга иш топилади, деб бежиз айтишмаган. Жаҳоннинг барча минтақаларида яшайдиган турфа миллат аёллари қатори бизнинг ўзбек аёлларимиз ҳам тарихимизнинг барча даврларида тилла, кумуш, олмос каби қимматбаҳо буюмларига қадрият даражасида ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишган. Бундай буюмлар авлоддан-авлодга мерос тарқасида ўтган. Махсус қутиларда, сандиқларда бисот сифатида авайлаб асралган.

Заргарлик буюмлари фақат тақинчоқ сифатида эмас, уй-рўзғорда, ҳатто табобатда ҳам ишлатилган. Қадимги тақинчоқлар аёлларнинг ёши, жамиятдаги мавқеи, уларнинг насл-насабидан нишона бўлиб турувчи хусусиятга эга бўлибгина қолмай, инсон саломатлигини бир меъёрда сақлаб туришга ҳам хизмат қилган.

Масалан, Қадимда қаттиқ қўрқиб қолган, бирон нарсадан чўчиган болага тилладан ясалган узукни сувга солиб қўйиб, сувини ичиришган. Ёки қон босимини бир меъёрда сақлаш учун кумуш билагузук тақилган. Феруза кўзли узук ва сирғалар кўзнинг кўриш қувватини кўпайтириш қобилиятига эга бўлган. Тарихий асарларимизни кузатар эканмиз, уларда жуда кўп миллий зийнат буюмлари номларини учратамиз. Масалан, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит-турк» асарида кута (зирак), бут, яъни бойларнинг ўғил-қизлари пешонасига тақиладиган тош, Алишер Навоий асарларида зарварақ (тиллақош) ва сирғалар ҳақида, Бобур ва Ҳофиз Тўқай ижодида ҳалқа, ҳалҳол деб номланган. Яна битта тақинчоқ тури эса оёққа тақиладиган олтин ёки кумуш халқа бўлган. Тарихий асарларимизда шу каби яна кўплаб зеб-зийнат буюмларининг номлари кўрсатилган. Қадимда пешонага тақиладиган зийнат буюмининг Бибишоҳ деб аталган тури бўлган. У бошга тақиладиган икки шохли ой кўринишида, тулпор туёғини ҳам эсга туширади. Бибишохни қайвони аёллар тўйда тақишган.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларигача асосан Бухоро аёлларига хос бўлган пешонага тақиладиган жуда кўп зийнат буюмларини умумий ном билан манглайдўз дейишган. Кейинги йилларда заргарлар ўзларининг рангбаранг безакларига тиллабаргак, тиллақош, силсила, қуш ини, қаноти осма, дея чиройли номларни берганлар. Пешонага тақиладиган безак буюмлари кўпроқ қанотини ёзиб турган қуш кўринишида бўлган. Бўйин ва кўкрак зийнатлари ҳам ўзининг кўркамлиги ва ранг-баранглиги билан ўзгача жозиба касб этган. Мунчоқларнинг ҳам турли хиллари бўлган: нозикмунчоқ, қалампирмунчоқ, шишамунчоқ, қизилмунчоқ, ундан ташқари, томоққа ёпиштириб қора, оқ, қизил мунчоқлар энликкина қилиб ипга тизилган. Бу безак Бахмал, Зомин туманларида ҳамон сақланиб қолган. Ўрилган сочга тақиладиган бўзак буюмлари сочпопук, сочбоғ, заркокил, жамалак дея турлича номланган. Булар сочларга турли шакл ва кўрк берган. Сирғанинг эса қуйма, ўрама, панжара, юлдузли сирға, жийдали балдоқ каби юздан ортиқ турлари бўлган, зеб-зийнат буюмларининг хилма-хиллиги ва номлари кўплигидан кўриниб турибдики, аждодларимизнинг маънавияти ҳар жиҳатдан бой бўлган.

Зебо ҚУРБОНДУРДИЕВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси.

Гиёҳвандлик - аср вабоси

БУЗИЛГАН «ГЕРОИН» САВДОСИ

ёки 1900 доллардан маҳрум бўлган оғуфурушлар хусусида

Қозонга яқинлашсанг қораси юқар, ёмонга яқинлашсанг балоси юқар, дейилган халқ нақли бежиз топиб айтилмаган экан. Бунинг нечоғли ҳақиқатлилигини Бухоро шаҳрида яшовчи Ғофур Ширинов бошидан ўтказиб, чуқурроқ англади. Оилалик, беш нафар фарзани бор, олий маълумотли, 45 ёшли бу киши Белгород шаҳрида институтда ўзи билан бирга ўқиган Қарши шаҳрида яшовчи дўсти Нуриддин Суюновнинг онаси вафот этганини эшитиб "қайдасан Қарши" деб йўлга отланди.

Дунёда волидаи муҳтарама - онани йўқотишдан оғирроқ ғам бўлмаса керак. Аммо Ғофур сухбат мавзусида дўстига онасининг вафоти унчалик таъсир этмаганини сезди

-Бандалик, дўстим! Ўлим-ҳаёт қонуни,- деди бухоролик меҳмон бошини қуйи солиб.

-Келганинг учун раҳмат,-деди Нуриддин дўстидан миннатдор бўлиб.Хўп десанг сен боп бир иш бор.Барибир бекор юрибсанку, ахир.

-Мардикорлик қилиш керакми?

-Йўғ-е, нима деяпсан? Агар режалар амалга ошса, мардикор олиб уйингда ишлатишинг мумкин. Яқин бир танишим "героин" келтирмоқчи. Шуни сотишга ёрдамлашсанг. Албатта қуруғига эмас. Сени ҳам рози қиламиз.

-Гиёҳванд модда билан савдо қилиш хавфли дўстим. Ишнинг ишкали чиқиб қолса...

-Қўйсанг-чи. Нега бунча довдирайсан? Товарни Бухорога мен ўзим етказаман,-деди Нуриддин бамайлихотир. 45 ёшли бу кишининг "иштахаси карнай" эди. Муқаддам судланганлиги ҳали ҳам кўзини очмаганди.

Ғофур Қаршидан аъло кайфият билан қайтди. "Героин" савдосидан тушадиган даромади чамалаб, баъзан кечалари уйкуси ҳам қочадиган бўлиб қолди. Аммо олий маълумотли туппа-тузук одам қилаётган хатти-ҳаракатлари жиноятга йўл очаётгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди.

2002 йилнинг 28 май куни Қарши шаҳридан келтирилган "ажал дори" Ғофур Ширинов яшаб турган ҳовлининг айвони пештоқидан паноҳ топди.

- Сен қўрқма,-тасалли берди меҳмон.-Бухорода бозори чаққон. Харидор топиш қийин эмас.

-Харидорку топилар. Аммо...

-Хеч нима қилмайди. Сенга омад. Бу ерда учта пакетчада 29,77 грамм, 300минг сўмга сотасан.

"Товар"ни пуллаш илинжида Ғофурнинг бироз иши юришгандек бўлди. У таниши Артур Маиловни учратиб қолди. Қаранг-а кўр-кўрни қоронгуда топади, дегани бежиз эмас экан.

32 ёшли Артур "тавар"ни олиб Қизилтепа томон йўлга тушди. Гапнинг давомини "героин операцияси"бошида турганлардан эшитинг.

Ғофур Ширинов курсдоши Нуриддин Суюновга бир нечта марта телефон қилди. Ҳар гал сухбат мавзуси "героин" савдосига тақаларди. Бухоролик дўстининг яна "товар" кераклиги ҳақидаги хабари Нуриддинни хурсанд қилди. "Операция"ни шундай уддабуронлик билан амалга ошириш керакки, "хит"лар доғда қолсин" деб ўйларди Нуриддин ўзича. "Мўмай даромад кимга ёқмайди. Ҳа ҳали кам бўлмайсан дўстим".

Ғофур Шириновнинг "товар"га харидорлигини тагида гап борлиги Нуриддиннинг хаёлига ҳам келмасди.

-Бухородай жойдан овора бўлиб келибсизлар, - дейди Ғофур билан бирга келган йигитга зимдан разм солган Нуриддин.-Ҳозирча "товар" йўқ, бўлиб қолса ўзим етказдираман.

Нуриддин 25 июль куни телефон орқали Ғофур билан келишгач, таниши Абдурахмон Очилов ҳамда Аслон Ҳаитовларни топди.

-Биламан сизга ҳам пул керак. Лекин,- чайналди Абдурахмон Нуриддин қарзга берган 120 минг сўмни сўраб келган деган хаёлда.

-Мен дангал одамман,-деди Нуриддин қатъий оҳангда.-"Товар"бор. Уни Бухородаги дўстимга етказиш керак.

-Уларни қаердан топаман.

-Ҳаммасини "как штик"сенга тушунтираман. Мана, бу ўн минг сўм йўлкирага. Бухорога кираверишда "Когон темир йўл бекати"бор. Поезд олдидиги чойхонада "объект" сени кутади. Учта ўрамда-522,9 грамм "дори". 1900 "кўк"ни харидордан олиб Аслон акангга берасан,-деди гуруҳ бошлиғи.

-Сени ҳам қуруқ қўймайман. 100 доллар хизмат ҳақингга етар,-дея Нуриддин Аслоннинг кифтига уриб қўйди. Курсдоши Ғофур Ширинов орқали сотган "героин"ини харид қилган Артур Маиловнинг қўлга тушгани Нуриддиннинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди.

Силлиққина кечаётган "героин"савдоси бузилди. 1900 АҚШ долларининг келишини кутиб хом хаёлларга берилиб турган Нуриддин Суюновнинг режаси барбод бўлди. Жиноий гуруҳ қонун олдида жавоб берди. Тўғри, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Лекин 522,9 грамм гиёҳванд модда сотиб юборилганда нима бўларди? Мажруҳ, ногирон фарзандлар туғилишига, неча-неча гулдек умрларнинг хазонга юз тутишига, юзлаб оилаларнинг дарз кетишига ана шундай "героин" савдоси билан шуғулланаётганлар сабаб эмасми? Кимларнингдир бахтсизлиги, ногиронлиги эвазига "ажал уруғи"ни пуллаб бойлик, мол-давлат орттираётганлар инсоф, диёнатни ҳаром пулга олишаётганини қачон англашади, ахир?!

Собир Умаров,
Бухоро транспорт прокурори,адлия маслаҳатчиси.
Моҳира ШАКАРОВА,
"Адолат"мухбири.

МАЪНАВИЯТИМИЗ ДУРДОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти томонидан XV аср ўрталари Темурийлар давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутган давлат ва дин арбоби, улуғ ватандошимиз Хўжа Аҳрорнинг 600 йиллик юбилейи арафасида «Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти» номли монография чоп этилди.

Ушбу асар муаллифи мамлакатимиз ва хорижда таниқли бўлган шарқшунос олим, Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти раиси, тарих фанлари доктори Элёр Каримовдир.

Маълумки XV асрда Ўрта Осиёда бўлиб ўтган мураккаб ва кўп ҳолларда бир-бирига қарама-қарши бўлган тарихий жараёнларни тушунишда Хўжа Аҳрорнинг фаолияти ва тарихий роли ҳақиқатдан ҳам беқиёсдир. Унинг фақирликдан ғирик сиёсий арбоб, оддий диний руҳонийликдан шайх валий даражасига кўтарилиш йўли муаллиф томонидан тарихий далиллар асосида илмий таҳлил этилади. Асарда Хўжа Аҳрор шахсиятининг тилсими – табиий руҳонийлик салоҳияти, ирода қуввати ва моҳир сиёсатдонлик санъатининг реал ҳаётдаги уйғунлашув йўли ўзига хос маҳорат билан тасвирланган.

Асарнинг илмий қийматини баҳолашда муаллифнинг АҚШ ва Франция тадқиқотчилари изланишларига мурожаат қилганлиги асарнинг илмий қийматини оширган. Негаки, Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш хориж мутахассисларининг доимо эътиборини ўзига тортиб келган. Айниқса АҚШ олимлари – Жо-Анн Гросс, Девин Де Виз, Роберт Мак Чезни, Германиядан – Юрген Паульнинг буюк тарихий шахсга бағишланган асарлари маълум ва машҳурдир.

Мазкур асарни илмий жамоатчиликка етказишда муаллиф ўзи раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамиятининг бир гуруҳ аъзолари ҳам фаол қатнашдилар.

Фикримизча, Элёр Каримовнинг ушбу асари Ўзбекистон тарихи, маънавияти, маданиятига қизиқувчи ҳар бир китобхон учун муҳим қўлланма ва йўлланма бўлиб хизмат қилади.

Зафар КАЛОНОВ.

Сиз кутган учрашув

«БИР КЎНГИЛНИ ЭТСАМ ЭДИ ШОД»...

Қўшиқ инсоннинг бор дардини узоқларга олиб кетишга, ҳаёл кўзгусини тиниқлаштириб, кўнгилдан ғуборни тарқатиб юборишга қодир мўъжиза. Санъат оламига кимдир баҳор чақмоқларидек, яна кимдир эса аста эшик қоқиб кириб келади. Албатта, бу эшикни қоқмоқ учун ҳам узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтмоқ керак. Шундагина қўшиқ сеҳри, қўшиқчи мўъжизаси сизни ўзига шайдо айлайди. «Бир кўнгилни этсам эди шод», дея жилмайиб, санъат остонасида турган хонанда Рашид Раҳмоновни ижодидан сизни баҳраманд этмоқ истагидамиз. Зеро, ҳар бир хонанданинг элига айтар куй, қўшиқлари билан бирга дил сўзлари ҳам бор-да!

– Айтишингизча, оилангизда ижод оламига дахлдор одам бўлмаган экан. Шундай экан, сизнинг санъатга қизиқишингиз қай тарзда бошланган?

– Эсимда, 5-синфда ўқиб юрганимда дадам қашқар рубобини совға қилган эдилар. Хоразмда мусиқа мактабида 5 йил ўқидим. Комилжон Отаниёзов, Бобомурод Ҳамдамов ижро этган қўшиқларни болалигимдан жон қулоғим билан тинглардим. Уларнинг беназир санъати уйғотган ҳавас ва иштиёқ туфайли мен ижоднинг сирли ва сеҳрли оламига йўл топдим. 1994 йилдан К. Отаниёзов номидаги «Лазги» ансамблида хонанда бўлиб фаолиятимни бошладим. 2000 йилда Маданият институтини тамомладим. Ҳозирда қўш диплом эгасиман.

– Хоразм аҳли ўз санъати билан машхур. Буюк истеъдодлар юртида ўз мухлисларини топиш санъаткор учун осон эмаслигини ҳамма билади.

– Тўғри, Хоразм қадим ва бой меросга, ўзига хос анъаналарга эга юрт ҳисобланади. Устозларим Раҳматжон Қурбонов, Матназар Худойназаров, Шариф Султонов ўгитлари ва маслаҳатлари билан бир қатор қўшиқлар яратдим. «Йиғлама синглим», «Дунё», «Ёмонлар», «Афғон ҳақида», «Санъатни кўр» каби қўшиқларим бугунда ўз мухлисларини топди ва улар томонидан яхши қутиб олинди деган фикрдаман. Биласизми, Хоразмда ясамаликка, зўракиличиликка ўрин йўқ. Зеро, шунчаки қўшиқ айтиш ўлим билан баробар. Санъаткор юраксиз юрадиган ёниб, жўшиб қўшиқ айтгандагина ҳақиқий санъат асари дунёга келади. Сизни тинглаётган мухлис ҳам бундан ўзгача завқ олади.

– 2001 йил Кореяда хизмат сафарида бўлган экансиз... У ерда ҳам фонограмма ҳақида сўзлар мавжудми? Шунингдек, сиз фонограммадан фойдаланасизми?

– У ерда «фонограмма» деган ғап йўқ. Саҳнага чиққан санъаткор фақат жонли овозда куйлайди. Менга келсак, мақтаниш эмасу, фонограммадан сира фойдаланмайман. Чунки бунда юрак тўғёнларим чекланиб қолади. Ҳақиқий санъаткор саҳнага қалбидаги қувончу, ҳасратини бошқа дилларга йўллаш, жисму жонини қийнаётган туйғуларни жонли ижро этиш учун чиқади. Бир куни Жиззах вилояти Ғаллаорол туманига тўйга бордик. Тўй энди бошланганда чироқ ўчиб қолди. Бу ёқда келин-куёв умид билан қараб турибди... Йигитларнинг бири доира, иккинчиси танбурни, мен эса торни олиб, даврани айланиб қўйиб айта бошладим. Одамларни хурсандлигини кўриб, ўзим ҳам бир поғона ўсгандай бўлдим.

– Санъат оламига жуда кўплаб янги овозлар кириб келмоқда. Бирок, ўзга миллат санъаткорларига таклид қилиш авж олаётгандек...

– Қачонки, ўзида йўқ бўлса, бошқалардан ўғирлайдилар. Айтайлик ўша куй ва қўшиқ жуда ёқса-ю, асотйдил айтгиси келса, марҳамат қонуний қилиб, яъни қўшиқ муаллифини кимлигини айтиб, ундан рухсат сўраб, ижро этиш мумкин. Бирок, барибир буни оқлай олмайман. Менимча ўзгалар сўзини айтиб юрган санъаткор бора-бора ўзлигини йўқотиб қўяди ва халқ назаридан қолади.

– Ҳозирда хонандалар орасида «шеър ўзимники, мусиқа ҳам ўзимники» дея мақтаниш авж олмоқда. Бу ҳолга муносабатингиз?

– Кўплаб санъаткорлар шу сабабли «инқироз»га учрайди. Бундай пайтда кенг омма учун шеър, мусиқа ёзишнинг кераги йўқ. Қачонки, малакали етук санъаткор бўлиб етишгач, бу соҳада ўзини синаб кўриш керак. Унгача эса, ҳар ким ўз юмуши билан банд бўлгани фойдали. Менга келсак, Маҳтумқули, Феруз, Ошиқ Эркин шеърларидан фойдаланаман.



– Сиз учун энг яхши жой қаер?

– Уйим. Иккита қизиб, бир ўғлим бор. Рафиқам Ферузахон билан аҳилмиз. Шу сабабли бўш вақтимни улар билан ўтказишга ҳаракат қиламан.

– Инсонлар орасидаги қандай муносабатлар сизни қувонтиради?

– Албатта меҳр муҳаббат, самимийлик, шафқат каби хислат қувонтиради.

– Ўз ишингиздан қониқасизми?

– Хали қониқишимга анча бордай назаримда. Лекин севимли касбим туфайли хаётим қувончли.

Сайёра ШОХЎЖАЕВА
суҳбатлашди.

Қинғир иш – келтирар ташвиш

ДОЛЛАРФУРУШЛАР

Ҳамма яхши яшашни хоҳлайди. Бу табиий ҳол. Ҳалол луқмадан ҳузур топишга нима етсин. Пешона тери билан тартиб-қоидага амал қилиб даромад қилаётганлар қандини урсин. Аммо баъзида пул топишнинг тўғри йўли қолиб, эгри йўлдан бораётганлар афсуски ҳаётимизда учраб турибди.

Яхшиси, далилларга мурожаат қилайлик. Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан валюта билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, валюта алмаштириш шохобчаларидаги суиистеъмолликларни аниқлаш борасида изчил тадбирлар ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида валюта билан боғлиқ тўқсондан зиёд ноқонуний ҳолатлар аниқланиб, қарийб 120 минг АҚШ доллари, 5500 АҚШ доллари қийматидаги йўл чеклари, 18 миллион сўмдан зиёд нақд пул, умумий қиймати 10800 АҚШ доллари баҳосидаги аёллар қоракўл мўйнали шубалари, 2 дона «Тико» автомашинаси ва бошқа моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Фарғона вилояти Бувайда туманида яшовчи, «Автотеххизмат Ф» акциядорлик жамияти сотувчиси С. Сайдахмедов юлдузни бенарвон урадиганлардан экан, десак кўпчилик ишонмаслиги мумкин. У 2 та янги «Тико DLX» автомашинани фақат «кўки»га сотаман дея узоқ йўл босиб, Тошкентга бекорга келмаган экан.

– Бўладигани қанча? – дея ундан «Тико»нинг нархини сўради харидор.

– Сиз олувчи, биз сотувчи, – деди мулойимлик билан С. Сайдахмедов. – Борига шукур қиладиганларданмиз, ака. «Тойчоқ»нинг бўлар нархи – 5200 доллар.

Хуллас, савдо пишди. Қўл ташлашишди. Сотувчи 5200 АҚШ долларини санаб олди. Аммо савдо пишгани билан буёғи хом экан. С. Сайдахмедовнинг «Тико» автомашинасини ҳеч қандай ишонч қоғозисиз ва ҳужжатсиз Фарғона шаҳридан олиб келиб Сергели туманида жойлашган «Карвон Сергели авто» бозорида чет эл валютасига сотиши мавжуд қонун-қоидага зид бўлганлиги сабабли унинг фаолиятига чек қўйилди.

«Олой» бозорида эса хусусий тадбиркор В. Хан ҳам ўз фаолиятини икки йўналишда олиб боришга қарор қилди. Ва оқибати яхшилик билан тугамади. Негаки, у доллар билан савдо-сотиқ қила бошлади. Туркияда ишлаб чиқарилган эркаклар дублёнкасини 550 АҚШ долларига сотаётганида қўлга тушди. Энди В. Хан суд олдида жавоб беради.

Яна бир хусусий тадбиркор – Сергели туманидаги «Ярмарка» бозорида фаолият кўрсатувчи У. Курбонов хатти-ҳаракати ҳам қонунга зид. Чет эл валютаси билан ноқонуний олди-сотди қилганлиги учун у ҳам жазоланадиган бўлди.

«Чорсу» метро бекати атрофи одамлар билан гавжум. Ҳар ким ўз ташвиши билан овора. Кимдир бозорга келяпти, кимдир кетяпти. К. Бобоёров эса доллар бозорини «обод» қилмоқчи. У метро бекати атрофидан ўтаётганларга олазарак бўлиб қарайди.

– Доллар оламан, доллар покупаю, – дея ўтган-кетганни «савдо»га чорлайди.

– Қанчадан оляпсиз? – сўрайди Р. Абдураимов унга яқин келиб.

– 1230 сўмдан, – жавоб қилди К. Бобоёров.

– 500 «кўки»дан бориди...

– Гап йўқ, шесть секунд кутиб туринг. Пулни олиб келай.

К. Бобоёров мижозига 615 минг сўмни бериб 500 АҚШ долларини санаб олаётганида «иш»нинг пачаваси чиқиб қолди. Бу ҳаракатингиз қонунга зид, дея ҳужжат тузилди.

Мана бунга ўхшаш «ҳангома»лар эса шу кунларда айни авжига чиққан, десак муболаға қилмаган бўламиз.

– Кўшни, бир «сайр» қилиб келсангиз 20000 сўм ишлаб олардингиз.

– Паспортингиз билан 1500 доллар олиб чиқиб берсангиз 30.000 сўм «мукофот» сизники.

Ана шундай ваъда, алдовларга учаётганлар сони афсуски, кўпайиб бормоқда. Тошкентлик Д. Мирзаева ҳам қўшнисини нотўғри йўлга бошлаган. У М. Режабовага агар валюта алмаштириш шоҳобчасидан 1500 АҚШ доллари олиб чиқиб берса, 20.000 сўм билан «сийланиши»ни айтган. Бирок, Д. Мирзаеванинг қиғир иши фош бўлди.

Юнусобод тумани Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига қарашли валюта алмаштириш шахобчасидан Г. Раҳимова 10.000 сўм эвазига бегона фуқаро Н. Муҳаммедовага 1500 АҚШ доллари олиб берганлиги аниқланди.

Қиссадан ҳисса шуки, тўғри йўл қолиб қонунга зид иш қилган ҳамда нафс балосига йўлиқишнинг охири вой. Буни унутмаслик керак.

Қиёмиддин ТОШМУРОДОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси катта инспектори.

Таэквандо

Куни кеча пойтахтимиздаги МҲСК спорт мажмуида таэквандо (VTF йўналиши) бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Осиё маданияти ва тараққиёти институти кубоги учун III халқаро турнир ўтказилди.

УЧИНЧИ КУБОК СОҲИБЛАРИ

Унда республикамиз ёш таэквандочиларидан ташқари, Қирғизистон, Қозоғистон давлатлари вакиллари ҳам татамига чиқишди. Бешта ёш гурухи бўйича ўтган бахсларда етти юз нафарга яқин иштирокчи 31 вазн тоифасида ғолибларни аниқлашди. Умумжамоа ҳисобида пойтахтлик таэквондочиларга тенг келадигани топилмади. Самарқанд ҳамда Сурхондарё вилоятлари вакиллари эса кейинги фахрли ўринларни қўлга киритди.

– Кубок беллашувлари шогирдларим учун катта имтиҳон вазифасини ўтади, – дейди Қашқадарё вилояти таэквандо (VTF йўналиши бўйича) федерацияси президенти Шавкат Муродов. – Вилоятимизда федерация фаолият кўрсата бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Уларнинг орзулари бевубор ва улкан. Номдор спортчиларга ҳавас қилишади. Дарсдан бўш вақтларида спорт залларига ошиқишади. Шогирдларимнинг бир кумуш ва бир бронза медаллари билан уйга қайтаётганлигидан қўнглим тоғдек. Ҳали улар учун катта муваффақиятлар олдинда. Қанийди, шундай мусобақалар кўпроқ ташкил этилса...

Ҳа, мусобака иштирокчилари умумжамоа ҳисобида ўйларига деярли совринсиз қайтишмади. Бу эса уларни келгуси бахсларга янада пухтароқ тайёрланишга, муваффақиятларга ундаши шубҳасиздир.

Эркин ХОЛБОБО.

Янги авлод тарбиясига

ЯНГИ АВЛОД ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 97-ўрта мактабда «Узлуксиз услубий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг истиқболлари» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Унда умумтаълим мактабларининг соҳа мутахассислари, ёш мактаб директорлари ва тумандаги барча услубчи ўқитувчилар қатнашдилар.

Мазкур анжуманни ўтказиш учун айнан 97-мактабнинг танланиши бежиз эмас. Ушбу мактаб жамоаси бир неча йилдан буён иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва улардаги қобилиятни ривожлантиришда ижобий натижаларга эришиб келмоқда. Жорий йил ўқувчилардан ўн беш нафари туманда ўтказилган фанлар бўйича олимпиадада совринли ўринларни эгаллагани ҳам устозларнинг ўз касбининг фидойилари эканлигини англатади.

– Бола мутлақо қобилиятсиз бўлмайди, бирок ундаги қизиқишни ўз вақтида илғаб, уни ривожлантиришга ёрдам берилмаса боладаги катта истеъдод барҳам топиши ҳам мумкин, – деди ўқув ишлари бўйича мактаб директори ўринбосари Муҳайё Максудхонова «Туркистон-пресс» мухбирига. – Ҳозир Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи боскичидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга киришганмиз. Таълим ва тарбия жараёнига асосий эътибор қаратаяпмиз. Дидактив материаллар билан бойитилган дарслар, қўшимча ўқув тадбирлари чоғида истеъдодли ўқувчиларни қандай хусусиятларга қараб аниқлашнинг сифат мезонлари ва боскичларини ишлаб чиққанмиз. Мактабимизда иқтидорли ўқувчилар билан алоҳида, кучайтирилган машғулотлар ўтказиш ишлари йўлга қўйилган.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи)
Т. О. ДАМИНОВ, А. F. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. Р. ҲАЙДАРОВ, К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Б. ТОШЕВ, Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, М. Б. РАҲМОНОВ, Н. НУРМАТОВ, Д. F. ТОШМУҲАМЕДОВА, З. Т. ТЎРАҚУЛОВ (ўз мухбир).

Мулоқот учун телефонлар:
Хатлар ва шикоятлар бўлими – 136-53-14.
Бухгалтерия – 136-55-64.
Факс: (8.371) 133-41-89.
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 267, Адади 2410 Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚЎШОҚОВ | Навбатчи— Зафар КАЛОНОВ

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти—20.00.

● Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. ● Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. ● «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. ● Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. ● Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.

Босишга топширилди 21.00.